УЙИНГИЗ ИССИҚМИ, ИШХОНАНГИЗ-ЧИ?

Ҳолвани ҳокимлар еса, огоҳлантиришни ўринбосарлар «ейди»ми?
Тошкент, Бухоро, Жиззах, Сирдарё ва Фарғона вилояти ҳокимларининг ўринбосарлари, шунингдек, туман ва шаҳар ҳокими ҳамда ўринбосарларидан 22 нафари қонунбузилишига йўл қўймаслик хусусида расман огоҳлантирилган.

4-бет

«ҚОРА ОЛТИН» АТРОФИДАГИ «ЎЙИН»ЛАР

Республика Бош прокуратураси умумий назорат бошқармасининг фармон ва қонунлар ижроси юзасидан амалга ошираётган ишлари ҳақида газетамизнинг 4-5-саҳифаларида ўқийсиз.

5-бет

— Бошимга Ҳомид калтак билан урди, — деди операциядан кейин ҳушига келган жабрланувчи. — Мўмин икки-уч марта пичоқ санчди...

6-бет

ЁХУД BOSSЛАР ИНҚИРОЗИ

Иккинчи суд жараёни, яъни наркотик савдосига тааллуқли иш натижалари шов-шувга айланди.

7-бет

Mustaqillik huquq demakdir

HUQUQ

YURIDIK GAZETA

06 (321)

Fevral

D.	2	9	16	23
S.	3	10	17	24
Ch.	4	11	18	25
P.	5	12	19	26
J.	6	13	20	27
Sh.	7	14	21	28
Ya.	1 8	15	22	29

2004

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan.

WWW.HUQUQ.UZ. E-mail: Info@huquq.uz

AXBOROT

ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

РЕСПУБЛИКА Бош прокуратурасида ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва суд органлари вакиллари учун Халқаро ҳамкорлик бўйича Япония агентлиги (JICA) билан биргаликда «Ҳуқуқий ва юридик соҳадаги ҳамкорлик» мавзусида семинар ўтказилди. Унда Ўзбекистон Бош прокуратураси, Адлия вазирлиги, Олий суд ва Олий хўжалик суди, «Ўзгеодезкадастр», ТДЮИ вакиллари, шунингдек JICA экспертлари иштирок этдилар.

JICAнинг Ўзбекистондаги ҳудудий вакили Кае Янагисава хоним табрик нутқи сўзлади. Дастурга мувофиқ У.Тўхтамишев ва Ф.Бойзоқов (прокуратура), М.Рамазонов ва С.Раҳимов (Адлия вазирлиги), С.Шодиева (Олий хўжалик суди), М.Ҳошимова (Олий суд), А.Раҳмонов (ТДЮИ)лар маъруза қилиб, семинар иштирокчиларига Японияндаги ўқув курсларида олган билимлари, хорижий мамлакатларда тажриба ўрганишнинг фойдали жиҳатлари хусусида сўзлаб бердилар.

Сўнгра суд ислоҳотлари бўйича маслаҳатчи, жаноб Ясухиро Кудо ва Ўзбекистон Бош прокуратурасининг халқаро бўлими бошлиғи А.Муҳамедовлар сўзга чиқиб, семинар натижаси ҳамда ҳуқуқий соҳадаги ҳамкорликнинг ҳозирги ҳолатидан қониқиш ҳосил қилганликларини изҳор этишди.

Семинар ниҳоясида Бош прокуратура ўқув маркази директори Э.Абзалов сўзга чиқиб, Ўзбекистон ва Японияннинг ҳуқуқий соҳадаги ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш лозимлигини таъкидлади ҳамда JICA вакилларига Ўзбекистонда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларига қўшаётган ҳиссаси учун ташаккур изҳор этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси матбуот маркази

ULUG` SHOIRGA EHTIROM

Мамлакатимизда бобокалонимиз Алишер Навоийнинг 563 йиллиги кенг нишонланди. Ўзбекистон Миллий боғида ана шу санага бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Бу ерга кенг жамоатчилик вакиллари, зиёлилар, талабалар, дипломатик корпус вакиллари ташриф буюрди.



ПРОКУРАТУРАДА НАВОИЙХОНЛИК

ҚАШҚАДАРЁ вилоят прокуратурасида прокуратура ходимлари иштирокида навоийхонлик ўтказилди. Унда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлими бошлиғи Исмоил Тўхтамишев, ёзувчи Неъмат Арслон, шоира Назира Ўроқова, Нилуфар Умаровалар иштирок этишди. Алишер Навоийнинг давлатчилик борасидаги ишлари ва олға сурган илғор ғоялари хусусида фикр алмашилди. Шоир ғазалларидан ўқилди.

ХАЙРИЯ ОШИ

ТЕРМИЗ давлат университетининг доценти Ш.Ёқубов ҳазрат Навоийнинг таваллуд айёмини ўзига хос тарзда нишонлайди. Бу йил ҳам ана шу анаъанани давом эттирди.

9 февраль куни дорилфунун домлалари, дўст-биродарларини уйига таклиф этиб, дастурхонга ош тортди. Даврада шоир ғазаллари билан айтилган мумтоз қўшиқлар янгради.

— Шарифжон Навоийшунос олим, — дейди профессор Ж.Омонтурдиев. — У улуғ шоирни ўзининг маънавий отаси деб билади ва ҳар йили унинг хотирасига бағишлаб, хайрия оши беради.

Тадбир сўнгида бобокалонимиз руҳига бағишлаб Қуръон тиловат қилинди.

К.ЖЎРАНАЗАРОВ, «HUQUQ» мухбири

NUQTAI NAZAR

Ўзбекистон ҳуқуқий демократик давлат қуриш, эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидан бормоқда. Бундай давлатда, бундай жамиятда мукаммал, адолатли қонунлар ҳукмронлик қилади. Фуқаролар уларга риоя қилган ҳолда фаолият юритади. Шу сабабдан қонунлар барчага тушунарли ва лўнда бўлиши керак.
Шу маънода ёзувчи Йўлдош Парданинг баъзи қонун моддалари хусусидаги қуйидаги фикр-мулоҳазалари газетхонларимизда қизиқиш уйғотса ажабмас.



АЙБСИЗЛИГИМ АЙБИММИ МЕНИНГ?

2001 йили «Hurriyat» газетасининг 6-сонида (7-13 февраль) «Айбсизнинг «айби» сарлавҳали мақола эълон қилган эдим. Унда Ўзбекистон Фуқаролик кодексининг (Т. «Адолат». 1996 йил) 57-бобидаги оддий ўқувчи учун тушуниш бироз қийин бўлган, жумлалари ғализроқ моддалар мавжудлигини баён этиб, китоб қайта нашр қилинаётганда ушбу моддалар тахрир қилинса фойдадан холи бўлмасди, деган таклиф киритгандим.

Яқинда бир мақолани тахрир қилиш жараёнида янги тахриридаги Фуқаролик кодексини (2003 йил 24 июнгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан. Расмий нашр. Т. Ўзбекистон Адлия вазирлиги, 2003 йил) вараклашга тўғри келмаганда, эҳтимол эътиборингизга ҳавола этилаётган ушбу мақола ёзилмаган бўлармиди...

Китобни вараклай туриб, 2001 йилдан бери унга тўрт марта ўзгартиш ва қўшимчалар киритилганини, аммо бизни шунча «обориб-обкеган» 988-модда ўзгармай қолганлигини билиб олдим.

2001 йилда эса воқеа бундай бўлганди: юридик коллежда ўқийдиган ўғлим якшанба куни нималарнидир ёзиш билан банд бўлиб, кун бўйи хонасидан чиқмаганлиги учун кечки пайт қизиқиб, ёнига кирдим. «Фуқаролик ҳуқуқи» деган фандан семинарга тайёргарлик кўраётган экан. «Нималар ёзаяпсан, ўғлим?» деган саволимга: «Дада, сиз буни барибир тушунмайсиз» деб ғалатироқ жавоб берди. Қарасам, анчагина чарчаган, шу сабабдан сал кўнглини кўтарай деб ҳазил қилдим: «Нега энди тушунмас эканман? Сизларни шу ёшгача тарбиялаб қўйган одам оддий ҳуқуқни тушунмайдими? Бунинг устига, бу фанинг олий математика ёки геометрия бўлмаса...». Ўғлим стол устидаги Фуқаролик кодексини қўлимга тутқазди: «Мана, ўқинг!». Кодекснинг 988-моддасида шундай ёзилган экан: ***«Охирги зарурат ҳолатида етказилган зарар, яъни зарар етказган шахснинг ўзига ёки бошқа шахсларга таҳдид солган хавфни бартараф этиш учун охирги зарурат ҳолатида етказилган зарар, агар бу хавф мазкур ҳолатларда бошқа воситалар билан бартараф этилиши мумкин бўлмаса, зарар етказган шахс томонидан тўланиши лозим.***

(Давоми 6-бетда).

VAZIRLAR MAHKAMASINING YIG`ILISHIDAN SO`NG

ЭРТАНГИ КУН УМИДИ БИЛАН

Якуний хулосалар галдаги вазифаларни белгилаш, йўл қўйилган хатоларни бартараф этиш ва истиқболли режа тузиш имконини беради. Ҳар бир жамоа фаолиятининг чорак, ярим, бир йиллик якуний таҳлили бўлгани каби 7 февраль куни Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган **«2003 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2004 йилда иқтисодиётни янада эркинлаштиришнинг асосий йўналишлари»**га бағишланган йиғилиш Ўзбекистоннинг бир йил давомида босиб ўтган йўли саҳифасига қаратилди. Унда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов иштирок этиб, ўтган даврда қўлга киритилган ютуқлар ва бажарилмай қолган ишларни таҳлил қилиб, галдаги вазифаларни белгилаб берди.

2003 йилда мамлакат иқтисодиётида амалга оширилган ишлар кўплаб соҳаларнинг барқарор ривожини таъминлади. Инфляция даражаси қисқариб, прогноз кўрсаткичидан ҳам паст — **3,8 фоиз**ни ташкил этди. Макроиқтисодий барқарорлик натижасида **ялпи ички маҳсулот 4,4**, **саноат ишлаб чиқариши 6,2**, **пулли хизмат кўрсатиш 8 фоиз**га ўсди. Тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес ривожи боис **375 минг та янги иш ўрни** яратилди. Кичик ва ўрта бизнеснинг **ишлаб чиқаришдаги улуши 35,5 фоизга етди.** Ҳисобот даврида мамлакатимиз **иқтисодиётига 2 триллион сўмга** яқин инвестиция киритилди. Ўтган йил давомида бир қатор йирик лойиҳалар қурилишини давом эттириш ва молиялаш ишлари ҳам ўз вақтида амалга оширилди. Умуман, ютуқлар кўп, уларнинг барчаси ўзимизники. Бироқ, йиғилишда Президентимиз таъкидлаганидек, айрим соҳаларда йўл қўйилган хатолар ислоҳотлар ривожига сезиларли таъсир қилди.

Хусусийлаштириш, капитал қурилиш, хизмат кўрсатиш соҳаларида ҳамон оқсоқлик кўзга ташланмоқда. Хорижий инвестицияни маҳаллий ишлаб чиқаришга йўналтириш қониқарли эмас. Планли иқтисодиёт иллати мулкни ҳақиқий эгасига топширишга тўғаноқ бўлмоқда. Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, ҳисобот йилида **38 та акциядорлик корхонаси** йилни зарар билан якунлади. Деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳамон жойлардаги айрим расмиятчи раҳбарлардан азият чекмоқда.

Мажлисда давлатимиз раҳбари оғриқли бир муаммо, ишларимизнинг ривожига тўсиқ бўлаётган «касаллик»ка барчанинг эътиборини қаратди. Бу **кўзбўямачилик**дир. Бажарамиз, ҳаммаси яхши, муаммо йўқ деб кўзбўямачилик қилиш, охир-оқибат шу ер, шу халқ учун бир қатор оғир муаммоларни юзага келтиради. Бугун қишлоқдаги муаммолар, ишсизлик, деҳқончилик маҳсулотларини қайта ишлашда камчиликлар мавжуд. Йил — ўн икки ой меҳнат қилаётган деҳқон ҳамма вақт ҳам моддий ва маънавий манфаатдорлик кўрмаяпти. Бу ҳолатдан хабардор кўзбўямачилар эса кези келганда турли баҳоналарни рўкач қилиб, ўзини оқлашдан нарига ўтмайди. Хўш, кимга керак бундай «мардлик»? Йиғилишда билдирилган шу каби қатъий фикрлар энди жойлардаги раҳбарларни бу иллатдан қутулишга чақирса ажаб эмас.

2004 йилда ҳам белгиланган ислоҳотлар узлуксиз давом этади. Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар ҳам бундан мустасно эмас, албатта. Коммуникация, ахборот технологияларини ривожлантириш, мактаб ва маориф масаласи бўйича махсус дастур ишлаб чиқиш ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги ўзгаришларни чуқурлаштиради.

Йиғилишда бошқарув аппаратидаги ходимлар сонини **40 минг штат бирлигига** қисқартириш режалаштирилаётганлиги, бу ўз навбатида маъмурий бюрократизмдан батамом воз кечиш режасига мос тушиши қайд этилди.

«Меҳр ва мурувват» йилида хайрли вазифаларимизни якунлаш, жамият қўмагида муҳтож ҳар бир оилага ёрдам кўрсатишдек азалий одатларимизга ҳамоҳанг бўлади. Шундай экан, **эртани ўйлаб, эртанги кун умиди билан** яшаш муаммоларни ҳал қилиб, истиқболдаги режаларимизни амалга оширишга ижобий таъсир кўрсатади. Умид ва ишонч кўнгилдан кетмасин!

Тоҳир САИДБОБОЕВ, ҳуқуқшунос-журналист

MUQADDAS BURCH

МУДДАТЛИ ЧАҚИРУВДАГИ МУАММОЛАР

Ҳадемай баҳор бошланади. Куролли кучларимизнинг бир бўлаги, армиямизнинг ажралмас қисми бўлган мудофаа ишлари бошқармалари ва бўлимларининг фаолияти янада қизғин тус олади: фуқароларни ҳарбий, муқобил ва сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга жалб этишга киришилади. Бу ишларни уюшқоқлик билан, тегишли қонун ва қарор талаблари асосида ўтказиш муҳим аҳамият касб этади. Негаки, ҳарбий хизматга чақирилувчиларда армиямизга, давлатимизнинг ҳарбий қудратига нисбатан дастлабки ишонч айнан шу паллада шаклланади.

Республика прокуратура органлари томонидан Мудофаа вазирлиги тизимида «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонун, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан текширишлар ўтказилди.

Аниқланишича, жойларда чақирув комиссиялари, мудофаа ишлари бошқармалари ҳамда бўлимлари томонидан қайд этилган қонунлар ижроси юзасидан маълум ишлар амалга оширилган. Бироқ, қатор қонунбузилиш ҳолатларига ҳам йўл қўйилган. Жумладан, Андижон вилоятининг Марҳамат, Хўжаобод туманларида, Андижон ва Хонобод шаҳарларида, Фарғона вилоятининг Сўх, Учкўприк туманлари ва Қувасой шаҳрида, Қашқадарё вилоятининг Нишон, Деҳқонобод туманларида, Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон, Термиз туманларининг чақирув участкаси бинолари таъмирталаб бўлиб, комиссиялар ишлаши учун қулай шароит яратилмаган.

Шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Мудофаа вазирлиги билан биргаликда айрим шаҳар ва туман тиббий комиссияларини зарур асбоб-ускуналар, малакали шифокорлар билан таъминлашга эришилмаган. Баъзи комиссиялар таркибига иккинчи тоифали ва тоифаси бўлмаган врачлар киритилган. Комиссиялар фаолиятидаги шундай нуқсонлар туфайли 2003 йилнинг баҳорги чақирув мавсумида ҳарбий хизматга чақирилган 54 фуқаро соғлиғига кўра хизматга яроқсиз деб топилиб, уйларига қайтариб юборилган.

Айрим мудофаа ишлари бўлимлари сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга олинган, бироқ шартномада белгиланган бадални тўлиқ тўламаган фуқароларни бир ойлик йиғинларга жўнатишган. Марғилонлик М.Умаралиев, З.Саидов, андижонлик С.Холбоевлар шулар жумласидандир.

Яна бир ачинарли ҳолат шуки, фуқароларни муддатли ҳарбий, сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга жалб қилишда масъул шахсларнинг вазифасига совуққонлик билан қараши, пора олиш ҳолатлари ҳамон учраб турибди. Масалан, Олтинкўл тумани мудофаа ишлари бўлими чақирув комиссияси ходимлари Х.Арабжонов ва Р.Қаюмовлар ўтган йилнинг март ойида ҳарбий хизматни ўташга яроқли деб топилган Б.Режаповни армиядан олиб қолиш мақсадида у қайта тиббий кўрикдан ўтказилганлиги ҳақида сохта ҳужжат расмийлаштирганлар. Натижада Б.Режапов «мутахассис»ларнинг «гавдаси нотўғри шаклланганлиги сабабли ҳарбий хизматга яроқсиз» деган хулосаси туфайли армия сафига олинмаган. Фарғона вилояти мудофаа ишлари бошқармасининг тиббий комиссияси аъзолари У.Қаюмов ва Ю.Қўчқоровлар эса ўтган йилнинг 18 март куни ички ишлар қўшинларига ҳарбий хизматга юбориш эвазига чақирилувчи У.Низомовдан 60 минг сўм олишган. Ҳар икки ҳолат юзасидан ҳам жиноят иши қўзғатилиб, айбдорлар жазоланганлар.

Ўтказилган текширишлар натижасига кўра қўпол қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 12 та жиноят иши қўзғатилди, 5.466.000 сўмлик зарарни ундириш борасида судларга 77 та даъво аризаси киритилди. 28.339.000 сўмлик зарар ихтиёрий равишда тўланди.

Ўйлаймизки, жойлардаги мудофаа ишлари бошқармалари, бўлимларининг масъул ходимлари юқоридаги каби ҳолатлардан тўғри хулоса чиқариб олиб, келгусида бундай ҳолатлар содир этилишига йўл қўймаслик чораларини кўришади.

Исломжон ЭРГАШХЎЖАЕВ,
Республика Бош прокуратурасининг бўлим бошлиғи

NAZORAT

Одам фақат ўзини севиб яшаса, машаққатли ҳаёт синовларига дуч келганида тақдиридан нолийди, мислсиз азоб ўтида қолади. Агар ўша манфаатпараст раҳбарлик лавозимида ўтирган бўлса-чи?

СИЗГА НИМА ЕТМАЙДИ, ДИРЕКТОР?

Шу кунларда бир мулоҳаза ҳақида ўйлаб қоламан. У ёки бу ҳолатда қилинган қонунбузарликни ҳақ-ҳуқуқимизни яхши билмаслик билан изоҳлаймиз. Лекин ўзида юзлаб, минглаб фуқароларни бирлаштириб турган корхона, ташкилотларнинг баъзи раҳбарларининг қўл ураётган жиноятлар ҳақида ҳам шундай важни пеш қилиш мумкинми? Йўқ, асло. Оилада ота-она болага қай тарзда ўрнак бўлса, раҳбар ҳам ходамларига шундай ибрат кўрсатмоғи керак. Бошлиқ корхонада қонунни бузиб, суиистеъмолчиликка йўл қўяр экан, унинг ходимларидан нимани кутиш мумкин? Айрим раҳбарлар, таъбир жоиз бўлса, давлат мулкини худди ота-бобосидан қолган меросдек талон-тарож қилаётганининг гувоҳи бўлаяпмиз.

Раҳбарнинг ҳуқуқий саводхонлиги у бошқараётган корхонанинг тараққиёти гаровидир. Аксинча ҳам бўлиши мумкинми? Мумкин, қачонки раҳбар лоқайд, нафсининг қули бўлса...

Ургут туманидаги деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмасида текширув ўтказдик. Уюшма директори Х.Омонова «Каттақўрғонёғмой» акциядорлик жамияти раҳбари билан (78.400.000 сўмлик) 204.800 тонна кунгабоқар етказиб бериш тўғрисида шартнома тузган. У аванс ҳисобидан олинган 13.660.600 сўмни деҳқон ва фермерларга кунгабоқар етиштириш учун тарқатиши лозим эди. Бироқ, 5.012.882 сўмни уюшма эҳтиёжларига ишлатиб юборган. Бундан ташқари, ўғлининг номига расмийлаштирилган «Муштарий» фермер хўжалигига кредит олиш учун «Миллий банк»ка ноқонуний равишда кафиллик хати беради. Уюшманинг 650 минг сўм маблағи ҳамда 60 минг сўмлик қурилиш материалларини ҳотамтойлик билан қариндоши М.Омоновга бериб юборади.

Оқибат нима билан тугади? Х.Омоновага нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, суднинг тегишли ҳукми чиқди.

Келинг, бир ўйлаб кўрайлик. Обрўли, билим ва тафаккури соғ одам шу даражага боргунча нафсига эрк бериши шартмиди?

Муҳиддин БАҲРИДДИНОВ,
Ургут тумани прокурори

TADBIR

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ:

ҚОНУНЧИЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

АНДИЖОН қишлоқ хўжалик институтида вилоят прокуратураси ходимлари иштирокида ширкат хўжаликлари, қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ҳамда бўлимлари, деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси раҳбарларининг семинар-машғулоти ўтказилди.

Анжуманда вилоят прокуратурасининг умумий назорат бўлими бошлиғи М.Эминовнинг қишлоқ хўжалигида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ишига ноқонуний аралашувларнинг олдини олиш, минерал ўғитларни ўз вақтида етказиб бериш ҳамда ердан самарали фойдаланиш тартибини белгиловчи қонунлар ижроси юзасидан маърузаси тингланди.

Шунингдек, семинар қатнашчиларига мутахассислар томонидан келгусида қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган қонунчилик талабларига риоя қилиниши бўйича йўл-йўриқлар кўрсатилди.

Исроил ИБРОҲИМОВ,
«HUQUQ» муҳбири

TAASSUROT

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг миллатлараро ва халқаро муносабатларда қонунларга риоя қилиниши устидан назорат бўлими катта прокурори Хуршид Бўриев 2003 йил 2-4 декабрь кунлари Италиянинг Сиракуза шаҳрида бўлиб ўтган «Терроризм билан боғлиқ ишлар бўйича экстрадиция масалалари» мавзусидаги халқаро семинарда иштирок этиб қайтди. Жамоатчи муҳбиримиз Мавлуда Пардаевага Х.БЎРИЕВ сафар тафсилотлари ва унинг иштирокчилари ҳақида қуйидагиларни гапириб берди:

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

— Маълумки, бундай семинарлар жиноятчилик ва терроризмга қарши кураш соҳасидаги халқаро ҳамкорликнинг бир кўриниши бўлиб, мазкур иллатларнинг пайини қирқишда муҳим аҳамиятга эга.

Гарчи Италия томони ташкилотчиларидан бири ҳисобланса-да, асосий ташкилотчи БМТнинг Гиёҳвандлик моддалари ва жиноятчилик устидан назорат бўйича бошқармаси ҳамда Жиноятчиликка қарши кураш тўғрисидаги фанлар бўйича олий таълим халқаро институти бўлди. Семинарда Аргентина, Колумбия, Хорватия, Ҳиндистон, Жанубий Африка Республикаси, Индонезия, Судан, Мавритания, Туркия ва Ўзбекистондан келган 26 та вакил иштирок этди. Бундан ташқари, БМТнинг Жиноятчиликка қарши кураш тўғрисидаги фанлар бўйича олий таълим халқаро институти, Терроризмга қарши кураш бўйича Европа кенгаши ҳамда Интерпол вакиллари ҳам ҳозир бўлдилар.

Семинар регламентига мувофиқ БМТ вакилларининг маърузаларини тингладик, террористик фаолият олиб борган жиноятчиларни экстрадиция қилиш тўғрисидаги ишларни ўрганиб чиқдик.

БМТ бошқармасининг ҳуқуқий масалалар бўйича катта ҳудудий маслаҳатчиси Сандре Валле хоним ҳамда терроризмнинг олдини олиш бўйича бошқарма маслаҳатчиси Майкл де Феонинг маърузалари иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Бундан ташқари, Аргентина Ташқи ишлар вазирлиги бошқармаси бошлиғи Еугуино Куриа ҳамда Эндрю Веллсларнинг терроризм билан боғлиқ ишлар бўйича экстрадиция масалаларини ҳал этиш хусусидаги маъруза-ларида зарур ҳужжатларни жўнатиш, дастлабки текшириш ўтказиш, қўшимча маълумот берилиши хусусида илтимос қилиш, вақтинча қамоққа олиш, жиноятчиларни беришни тўхтатиб туриш, қидирилаётган шахсни бериш жараёни, кимлар жиноятчини бериш тўғрисидаги илтимосномани тақдим этишга ваколатли, транзит ва бошқа бир қатор муҳим масалалар ёритиб берилди.

Анжуманнинг юқори савияда ўтказилганлиги, иштирокчиларга тажриба алмашиш учун барча шароит яратилганлиги ҳамда Сиракузанинг диққатга сазовор жойлари, хусусан, буюк олим Архимед туғилиб ўсган жойларни томоша қилиш ташкил қилинганлигини алоҳида таъкидламоқчиман.

Албатта, бу масалалар билан турли юридик адабиётлар ёрдамида ҳам танишса бўлади. Аммо илмий-амалий анжуманларнинг ўтказилиши алоҳида аҳамиятга эга. Чунки бунда жиноятчиликка, терроризмга қарши кураш соҳасида фаолият юритаётган турли мамлакатлар вакиллари тажриба алмашишади. Бир-бирларига қилаётган ишлари тўғрисида сўзлаб берадилар. Керак бўлса яқин дўстга айланадилар. Булар эса таҳлил қилинаётган муаммонинг хавфини теран англашга ва уни ҳал этишга ундовчи омиллардан бири бўлиб хизмат қилади.

BILMAYIN BOSDIM TIKONNI

МУОЛАЖА — ҚОНУН ЙЎЛИ БИЛАН

Муҳаббат бир неча йилдан буён касбига садоқат билан ишлаб келар, мактаб жамоаси ундан миннатдор эди. Бироқ, нима бўлди-ю, бош ҳисобчининг кўнгли мўмай даромадни тусаб қолди. Жами 448.072 сўм пулни қайдномаларига қўшиб ёзиш йўли билан талон-тарож қилган. Судланувчи М.Зокированинг кирдикорлари биргина бу эмас. У «Пахтабанк»нинг Жондор туман бўлимидан иш ҳақи учун олинган 410.080 сўм пулнинг 360.080 сўмини 5-ўрта мактаб хазинасига кирим қилиб, қолган 50 минг сўмни ўзлаштириб юборган. «Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилда ҳам чиқади» дейдилар. Раҳбарият ва жамоадошларининг ишончини суиистеъмол қилган, бировларнинг ҳақига кўз олайтирган бош ҳисобчи бугун қилмишига икрор бўлиб, астойдил пушаймон эканлигини билдирди. Бироқ, пушаймондан не фойда? Қонун ҳамма учун баробар. Ҳукм ўқилди. Судланувчи М.Зокировага 1 йилу 6 ой муддатга ахлоқ тузатиш жазоси тайинланди. Ҳар ойлик иш ҳақининг 30 фоизи давлат ҳисобига ўтказиладиган бўлди.

Унинг судгача бўлган қилмишларини жамоадагилар сезмаган дейсизми? Мактаб раҳбарияти, қолаверса, Жондор туман халқ таълими бўлимидаги мутасаддилар қонунбузарликка ўз вақтида чек қўйиши мумкин эди-ку. Улар ҳақиқатдан кўз юмиб, менга нима қабилида иш тутишган. Мана шу иллат бизга ҳамиша панд беради.

Умид НУРУЛЛАЕВ,
Жондор туман прокуратурасининг терговчиси

«HUQUQ»ИЙ маслаҳатхона

E-mail: huquq@Infonet.uz 133-82-34, 133-98-82

ИМТИЁЗ БЕРИЛАДИМИ ЁКИ ЙЎҚМИ?

Мен олий маълумотли кутубхона мудирасиман. 1987 йилдан буён мутахассислигим бўйича ишлаб келаман. Ҳозирги кунда Қува туманидаги 17- ва 12-умумтаълим мактабларида кутубхона мудираси бўлиб ишлаяпман. Умумий иш стажимга 17 йил тўлди. Шу давр ичида электр-энергия ҳамда табиий газ тўловларида имтиёзга эга эдим. Лекин 2003 йилдан бошлаб бу имтиёзлар бекор қилинди. Сабабини ҳеч кимдан билолмадим.

Бу ҳуқуқдан оддий тарбиячилар фойдаланишга ҳақи бор, биз каби олий маълумотли мутахассисларнинг эса ҳуқуқи йўқ. Имтиёзларни бекор қилувчи қонунда айнан кимларга бундай имтиёз назарда тутилгани ҳақида маълумот берсангиз.

Арофатхон БОТИРОВА,
Қува тумани, Толмозор қишлоғи

Ўзбекистон Президентининг 2003 йил 27 мартдаги фармонига мувофиқ, 2003 йилнинг 1 апрелидан бошлаб уй-жой, коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича қонунчилик асосида берилган имтиёзлар ўрнига энг кам иш ҳақидан табақалаштирилган миқдорда ойлик компенсация тўловлари жорий этилган. Унда педагогик фаолият билан боғлиқ қуйидаги касблар учун компенсация тўловлари тўланиши назарда тутилади:

— барча турдаги умумий таълим мактабларининг педагогик маълумотга эга бўлган ўқитувчи, директор, директорнинг маънавий ва маърифий ишлар бўйича ўринбосари, тарбиячи ва концертмейстерлари;

— академик лицей, касб-ҳунар коллежи ва ўрта махсус ўқув юртларининг ўқитувчи, директор, директорнинг маънавий ва маърифий ишлар бўйича ўринбосари, ишлаб чиқариш таълим устози, психологи, услубчи ва концертмейстерлари;

— «Меҳрибонлик уйлари»нинг педагогик маълумотга эга бўлган тарбиячи, директор, директорнинг маънавий ва маърифий ишлар бўйича ўринбосари ва психологлари;

— мактабгача тарбия муассасаси ва мактаб-болалар боғчаларининг педагогик маълумотга эга бўлган тарбиячи, ўқитувчи, мудир, директор, директорнинг маънавий ва маърифий ишлар бўйича ўринбосари ва психологлари;

— мактабдан ташқари болалар муассасаларининг педагогик маълумотга ёки тренерлик иш стажига эга бўлган ўқитувчи, тарбиячи, тренер-ўқитувчи, директор, директорнинг маънавий ва маърифий ишлар бўйича ўринбосари, йўриқчи-услубчи ва концертмейстерлари;

— олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, ректор, таълим, илмий ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректорлари, филиалларнинг директорлари ҳамда директорнинг таълим, илмий ва маънавий ишлар бўйича ўринбосарлари, илмий котиб, ишлаб чиқариш таълим устозлари, ҳисоблаш марказларининг бошлиқ ва муҳандислари;

— юқорида кўрсатилганлардан камида 10 йил педагогик ва илмий-педагогик иш стажига эга бўлган ходимлар тоифаларига мансуб пенсионерлар.

Мазкур тоифадаги ходимлар учун тўланадиган компенсация тўловлари миқдори энг кам иш ҳақининг 45 фоизини ташкил этади.

ПЕНСИЯГА ЧИҚИШ ФУРСАТИ

«Huquq» газетасининг 1999 йил 2 июнь сонида «Ҳуқуқий маслаҳатхона» рукнида пенсияга чиқишда хотин-қизларга бериладиган имтиёзлар хусусида ёзилган экан.

Менинг турмуш ўртоғим шу йилнинг май ойида 49 ёшга тўлади. Иш стажига 19 йил тўлди. Етти фарзандимиз бор. Оилам қонунда белгиланган имтиёзлардан фойдаланган ҳолда 49 ёшида пенсияга чиқишга ҳақлими? Бу тўғрида туман ижтимоий таъминот бўлимига мурожаат қилганимизда бундай имтиёз берилмаслигини айтишди. Ушбу масалага ойдинлик киритишга ёрдам берсангизлар.

А.САМАДОВ,
Бухоро вилояти, Коракўл тумани

«Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида»ги қонунда бундай имтиёз мавжуд бўлса-да, аммо ундан барча хотин-қизлар фойдалана олмайдилар. Сабаби, қонуннинг 12¹-моддасида белгиланган талабга кўра, умумий пенсия ёшидан бир йилга қисқартирилган имтиёздан «Пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуннинг 37-моддаси «а», «б», «в» ва «г» бандларида назарда тутилган тоифадаги, камида йигирма йиллик иш стажига эга бўлган аёллар фойдаланиши мумкин.

ТИРИКЧИЛИК УЧУН

Менинг уч нафар фарзандим бор. Учинчиси якинда икки ёшга тўлди. Айни пайтда кўп тармоқли фирмада оператор бўлиб ишлайман. Меҳнат таътилига ҳар йили йил бошида белгиланган график асосида чиқамиз. Менга бу йил декабрь ойида чиқиш белгиланибди. Лекин болаларимни парваришлаш ёлғиз ўзимнинг зиммамдалиги учун қишда таътилга чиқиш ноқулай бўлаяпти. Сабаби ёзда таътилга чиқсам тирикчиликка нафи тегиши мумкин бўлган иш қилиб, бироз қўшимча пул ишлаб олиш имкониятим бор эди. Шунинг учун меҳнат таътилини бошқа вақтга кўчирса бўладими?

З.ОТАХОНОВА,
Тошкент шаҳри, Қорақамиш даҳаси 2/4

Меҳнат кодексининг 144-моддасида ходимларга таътил бериш вақти ва навбати белгилаб қўйилган бўлиб, унга мувофиқ қуйидаги тоифадаги ходимларга меҳнат таътили уларнинг хоҳишига кўра ёзги ёки улар учун қулай бўлган вақтда берилиши кераклиги таъкидланган:

— ўн тўрт ёшга тўлмаган битта ёки ундан ортиқ болани (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон болани) тарбиялаётган ёлғиз ота, ёлғиз онага (бева эркак ва аёллар, никоҳдан ажрашганлар, ёлғиз оналар) ва муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг хотинларига;

— 1- ва 2-гуруҳ ногиронларига;

— 1941-1945 йилги уруш қатнашчиларига ва имтиёзлари бўйича уларга тенглаштирилган шахсларга;

— ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга;

— таълим муассасасида таълимдан ажралмаган ҳолда ўқиётганларга;

— жамоа шартномаси, келишувида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

ИМТИЁЗЛИ НАФАҚА БЕКОР ҚИЛИНГАНМИ?

Мен 34 йилдан буён Балиқчи туман автомобиль йўллари бошқармасида ишчи вазифасидан тортиб, йўл устаси, йўл иш юритувчиси бўлиб ишлаб келаман. Ёзда 55 ёшга тўламан. Бир неча касбдошларим шу ёшдан нафақага чиққанлар. Мен ҳам пенсияга имтиёзли чиқишим мумкинми? Туман ижтимоий таъминот бўлимидагилар бу ҳуқуқ бекор қилинган дейишаяпти. Шу ҳақида маълумот берсангиз.

А.МАҲМУДОВ,
Балиқчи тумани

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуннинг 12-моддаси талабига кўра ёшни беш йилга қисқартирилган ҳолда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлганлар ичида сиз ишлаб келган соҳалардан бирортаси тўғри келмайди. Сабаби, мазкур моддаининг «ж» бандида транспорт соҳасида фақатгина шаҳар йўловчи ташиш транспорти ҳайдовчиларига бундай имтиёз берилиши назарда тутилган. Бундан ташқари, ушбу қонунга мувофиқ ҳолда ишлаб чиқилган 3-рўйхатнинг 6-қисмида ҳам умумий пенсия ёшидан беш йил олдин пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўлган касблар ичида фақатгина темирйўл, метрополитен, денгиз ва дарё флоти ходимларининг рўйхати берилган, холос. Шу боис сиз мазкур имтиёздан фойдаланиш ҳуқуқига эга эмассиз.

УЙЛАНГАН БЎЛИШИ ШАРТМИ?

Бундан бир неча йил аввал туманимиздаги кимошди савдосида келгусида бирор юмушда фойдаланиш мақсадида 10 сотих ер сотиб олган эдим. Энди ўғилларим вояга етиб, бошқалар қатори менда ҳам болаларимни уй-жой билан таъминлаш учун зарурат юзага келаяпти. Шу сабабли уй-жой қуриш учун маҳаллий ер ажратиш комиссиясига ариза берганимизда, улар ўғлимга «сенинг отанг аукционда ер сотиб олган, шунинг учун ер берилмайди» дейишибди. Шу тўғрими? Ахир сотиб олинган ер менинг номимда ва у менга хусусий мулк қилиб берилган. Бунинг устига мен бу ерда келгусида дўкон ёки устахона қуриш режаларим бор. Бундан ташқари мени ва бошқаларни ҳам қийнаб келаётган бир савол бор — вояга етган Ўзбекистон фуқароси ер олиш учун ариза беришда уйланган бўлиши шартми?

Ш.ДАДАБОЕВ,
Бағдод тумани

Ўзбекистон қонунларида белгиланган тартибга кўра, фуқаро ўн саккиз ёшга тўлиши билан тўла муомалага лаёқатли деб топилади. Тўла муомала лаёқатига эга бўлган ҳар қандай мамлакатимиз фуқароси эса қонунларда белгиланган ҳуқуқларини (белгиланган доирада) рўёбга чиқаришга ҳақлидир. Бироқ, сизнинг саволингизга тўхталадиган бўлсак, Ўзбекистон Ер кодексининг 27-моддасида шаҳар ва поселкаларда, шунингдек қишлоқ хўжалиги ҳамда ўрмон хўжалиги корхона, муассаса ва ташкилотларининг эгалигидаги ерлар таркибига кирмаган қишлоқ аҳоли пунктларида доимий яшаб турган Ўзбекистон фуқароларига якка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш учун мерос қилиб қолдириладиган, умрбод эгалик қилишга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳар бир оилага 0,06 гектаргача ер участкаси берилади дейилган. Албатта, мазкур талабда ер участкаси берилаётган шахснинг ўғли кўрсатилмаган бўлса-да, ер участкаси фақат оилага берилиши назарда тутилган. Шунинг учун ер участкаси уйланган шахс оиласининг унга бўлган эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда ажратилади. Ер участкаси ажратиб бериш тўғрисидаги ариза нафақат эр, балки унинг турмуш ўртоғи томонидан ҳам берилиши мумкин.

АЙРИМ ТОИФАДАГИЛАР

Мен ўтган йилнинг август ойида ишга кирган эдим. Ишимиз бироз оғирроқ бўлса-да, яхши ҳақ тўланганлиги туфайли бу оғирлик унчалик сезилмайди. Тўғриси, мактабни битирганимдан бошлаб шу пайтга қадар фақат уй ишлари билан банд бўлганим туфайли ҳеч қаерда расмий равишда ишламаганман. Шунинг учун меҳнат қонуни тўғрисида ҳеч нима билмайман.

Менга меҳнат таътилига чиқиш тўғрисида маълумот берсангиз.

Н.ЗОКИРОВ,
Жиззах вилояти, Пахтакор тумани

Меҳнат кодексининг 133-моддасига кўра, барча ходимларга, жумладан ўриндошлик асосида ишлаётган ходимларга дам олиш ва иш қобилиятини тиклаб олиши учун иш жойи (лавозими) ва ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда йиллик меҳнат таътили берилади.

Йиллик асосий таътилнинг энг кам муддати ўн беш кунни ташкил этади.

Йиллик асосий таътил қонун талабига мувофиқ, биринчи иш йили учун олти ой ишлагандан кейин берилади. Иккинчи ва ундан кейинги иш йиллари учун эса меҳнат таътили таътиллар графигида белгиланган тартибда йилнинг исталган вақтида берилади.

Лекин шу билан бирга йиллик асосий таътилга чиқишда айрим тоифадаги ходимларга уларнинг хоҳиши бўйича чиқишга рухсат берилади. Бундай тоифадаги ходимларга таътил олти ой ўтмасдан олдин берилади. Буларга:

— 1- ва 2-гуруҳ ногиронлари;

— ўриндошлик асосида ишлаётганлар;

— ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар;

— аёллар (ҳомиладорлик ва туғиш таътили олдидан ёки ундан кейин);

— ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда умумий таълим мактабларида, ўрта-махсус ва олий ўқув юртларида, кадрларнинг малака ошириш, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш институтлари ва курсларида ўқиётганларга, агар улар ўзларининг йиллик таътилларини имтиҳон, синов топшириш, диплом, курс, лаборатория ва бошқа ўқув ишларини бажариш вақтига тўғрилаб олишни хоҳласалар;

— технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штат) ёки иш хусусияти ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилганлиги муносабати билан ишдан озод этилган ходимлар киради.

ДИПЛОМНИНГ АСЛИ ҚАЕРДА?

1. Мен 1963 йили Нарпай тумани 75-мактаб қошидаги бир йиллик бошланғич синф учун рус тили ўқитувчилари тайёрлайдиган педагогик синфни тамомладим ва шу ҳужжат билан меҳнат фаолиятимни бошладим. Лекин ҳозирги кунда бу ҳужжат шахсий варақамда йўқ экан. Мендаги нусхасига эса муҳр босилмаган. Уни қаердан тасдиқлатишим мумкин?

2. 1992 йилдан буён нафақадаман. 29 йиллик иш стажига эгаман. 2003 йилнинг апрелигача ўқитувчиларга берилган имтиёзлардан фойдаланиб келганман. 2003 йилнинг апрель ойида қабул қилинган фармонда белгиланган компенсациядан фойдаланишга ҳақлиманми? Туман ижтимоий таъминот бўлими ходимлари менинг дипломим йўқлиги сабабли мазкур компенсациядан маҳрум қилишди. Шу тўғрими?

Р.ҚУРБОНОВА,
Пахтачи тумани, «Карнабота» жамоа хўжалиги

Сиз Нарпай тумани 75-мактаб қошидаги бир йиллик бошланғич синф учун рус тили ўқитувчилари тайёрлайдиган педагогик синфни тамомлаганлигингиз тўғрисидаги ҳужжатни олиш учун Самарқанд вилоят давлат архивига мурожаат қилишингиз лозим. Ушбу ҳужжатни олганингиздан сўнг Ўзбекистон Президентининг 2003 йил 27 мартдаги фармонида қайд этилган педагогик стажга эга бўлганлигингиз боис табақалаштирилган миқдордаги ойлик компенсация тўловларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўласиз. Лекин бунинг учун аввал мазкур ҳужжат нусхасини туман ижтимоий таъминот бўлимига тақдим этишингиз лозим.

Саволларга Республика Бош прокуратураси бўлим прокурори М.ТЎРАЕВ жавоб берди.

Прокуратура халқ устидан назорат қилиши эмас, аксинча унга хизмат қилмоғи керак.

Ислом КАРИМОВ

ФАРМОН ВА ҚОНУН

Жойларда ҳокимликлар, ўзини-ўзи бошқариш идоралари ва уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолияти ўзаро мувофиқлаштирилмаганлиги оқибатида аҳолининг коммунал ва эксплуатация тўловлари бўйича қарздорлиги **2004 йилнинг 1 январигача 65,5 млрд. сўмни, шундан муддати ўтгани 3,3 млрд. сўмни ташкил қилган.**

Ширкатлар ўзининг қонуний ҳуқуқларидан кенг фойдаланмаслиги, қарзни суд орқали ундириш чораси кўрилмаётганлиги, ширкат раислари мансабини суиистеъмол қилиб, жиддий қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйганлиги уларнинг молиявий аҳволига салбий таъсир кўрсатиб, уй-жойларни таъмирлаш, куз-қиш мавсумига сифатли тайёрлашда маблағ етишмаслигига олиб келмоқда. Хусусан, Самарқанд вилояти, Сиёб туман уй-жой мулкдорлари ширкати раиси М.Ширинов ва бош ҳисобчиси Н.Юсуповалар фуқаролардан йиғилган 340 минг сўм нақд пулни хазинага кирим қилмасдан ўзлаштириб юборган.

Худди шундай ҳолатлар Тошкент шаҳрининг Сирғали, Собир Раҳимов, Миробод, Чилонзор туманларида ҳам содир этилганлиги туфайли жиноят ишлари қўзғатилиб, тергов олиб борилмоқда.

Ҳукумат дастурига мувофиқ 1991 йилгача қурилган кўп хонадонли уй-жойларнинг 3061 тасидан 2003 йилда 2190 таси, яъни 72 фоизи, шундан Хоразмда 36 фоизи, Сирдарёда 50 фоизи, Тошкент вилоятида 52 фоизи ва Қорақалпоғистонда 57 фоизи таъмирланган, холос.

Таъмирлаш ишларига масъул шахслар мансабини суиистеъмол қилиб, маблағ ҳамда қурилиш молларини талон-тарож қилиб, жиддий қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйган.

Хусусан, Тошкент шаҳар коммунал фойдаланиш бошқармаси мансабдорлари Сирғали туманининг 2-даҳасидаги уйларни таъмирлашда бажарилмаган ишларга 1,4 млн. сўм, Фарғона вилояти, Қиргули туманидаги коммунал фойдаланиш бошқармаси бошлиғи Д.Тожибоев ва бошқалар эса бажарилмаган ишларга 1,1 млн. сўм қўшиб ёзиб маблағларни ўзлаштирган.

Текширишларда вилоятлардаги «Иссиқлик манбаи» ишлаб чиқариш бошқармаси тизимларидаги қозонлар тўлиқ таъмирланмаганлиги аниқланди. Қозонхоналарга зарур бўлган ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари сарфининг алоҳида тақсимлаш режа ва меъёрлари мавжуд эмас.

Шунингдек Бухоро вилоятининг Вобкент, Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз туманлари ва Қарши шаҳри, Навоий вилоятининг Конимех, Наманган вилоятининг Тўрақўрғон, туманлари ва Наманган шаҳри, Самарқанд вилоятининг Темирйўл, Оқдарё туманлари, Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳри ва Шеробод тумани, Тошкент шаҳри ва вилоятининг Сирғали, Мирзо Улуғбек, Оққўрғон туманларидаги таълим ҳамда соғлиқни сақлаш муассасаларида куз-қишга тайёргарлик бўйича таъмирлаш ишлари талаб даражасида бажарилмаган. Оқибатда болалар ва беморлар қишнинг совуқ кунларида оғир аҳволда қолди.

Соҳанинг вилоятлардаги мутасадди раҳбарлари етарли ёқилғи заҳирасини тайёрламаган, бор ёқилғи эса талон-тарож қилинган. Масалан, биргина Қашқадарё вилоятида Китоб туман ХТБ хўжалик ишлари бўйича мудири ўринбосари С.Имомов 222 тонна кўмирни ўзлаштириб юборган.

Куз-қиш мавсумида аҳолини табиий газ ва электр энергияси билан узлуксиз таъминлашда ҳам қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилган. Хусусан, «Жиззахгазтаъминот» корхонасига фуқаролардан келиб тушган 187 та ариза ва шикоятнинг 37 таси қонунчиликда белгиланган муддатда кўриб чиқилмаган. Бундан ташқари, корхона омбор мудири И.Қурбонбоев қиймати 649.000 сўмлик, Қашқадарё вилояти «Нишонтехгаз» корхонасининг Толлимаржон участкаси бошлиғи Х.Ҳасанов 2.734.000 сўмлик газ ҳисоблагичларни талон-тарож қилгани аниқланган. «Намангангазтаъминот» корхонаси бош ҳисобчиси С.Йўлдошев эса фойдаланилган газ учун фуқаролардан йиғилган 155.000 сўм пулни ўзлаштириб юборган. **«Тошкент электр тармоқлари» АЖнинг раҳбари М.Комилов расмий ҳужжатларга сохта маълумотлар киритиб, 4,2 млн. сўмни ўзлаштирган. Мазкур ҳолатлар бўйича айбдорлар суд ҳукми билан тегишли жазога тортилган.**

Республика иқтисодиёти тармоқларини 2003-2004 йилги куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни талаб даражасида бажармаган **Тошкент, Бухоро, Жиззах, Сирдарё ва Фарғона вилояти ҳокимларининг ўринбосарлари А.Йўлдошев, Ф.Атоев, Р.Есенқулов, Ў.Абдиев ва А.Эргашевлар, шунингдек, туман ва шаҳар ҳокими ва ўринбосарларидан 22 нафари қонунбузилишига йўл қўймаслик хусусида расман огоҳлантирилган.**

Прокуратура органлари томонидан мазкур йўналишда ўтказилган текширишлар натижалари бўйича 60 та жиноят иши қўзғатилди. Давлат манфаатига етказилган 4 млрд. 911 млн. сўмлик зарардан 4 млрд. 390 млн. сўми ва 223,8 минг АҚШ доллари тергов даврида ундирилди.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, кўпгина вилоятларда қишга яхши тайёргарлик кўрилмаган. Халқимизда қишнинг бир куни ҳам қиш деган гап бор. Шундай экан, ҳали хотиржам бўлишга эрта.

Б.ЗОҲИДОВ,
Республика Бош прокуратурасининг умумий назорат бошқармаси бошлиғи

Республика Бош прокуратурасининг умумий назорат бошқармаси бошлиғи Б. Зоҳидов келгусидаги иш режалари хусусида навбатдаги йиғилишни ўтказмоқда.

Қиш бошланиши билан кўп хонадонларда янги ташвиш бошланди. Айниқса эски «дом»ларда яшаётганлар учун. Баъзан уйда иссиқ сув бўлмай қолса, гоҳо эски қувурлар ҳунар кўрсатиб қолади. Асаби бузилган уй эгаси ЖЭКка югуради. У ердагилар «коммунал тўловларни тўлаб қўйинг» дея шарт қўяди. Хонадон эгаси эса «уйим исимаса, сув бўлмаса, нега пул тўлашим керак?» дейди. Ҳар ким ўзича ҳақ. Муаммо муаммолигича қолмоқда.

УЙИНГИЗ ИССИҚМИ, ИШХОНАНГИЗ-ЧИ?

Халқимиз АҚШ долларини банклардан эркин сотиб олишни кўп йиллардан буён орзу қиларди. Орзулар ўтган йили ушалди. Банкларнинг валюта алмаштириш шахобчаларида белгиланган тартибда АҚШ долларини олиш ва сотиш мумкин.

«КЎКИ»НИ КЎПАЙТИРМОҚЧИ ЭДИ...

Ҳукуматимиз томонидан Ўзбекистон ҳудудида валюта алмаштириш ва ундан фойдаланиш бўйича бир қатор қарорлар қабул қилинди. Хусусан, 2000 йил 30 июнда Вазирлар Маҳкамасининг «Валюта бозорини янада эркинлаштириш ва валюта алмаштириш операцияларини кенгайтиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинган. Қарорнинг моҳияти ОАВда тушунтириб борилди.

Ўтган йил давомида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамкорлигида республика ички бозорида чет эл валютаси ноқонуний айланишининг олдини олишга йўналтирилган чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш борасида бир қатор ишлар қилинган.

Жумладан, валюта олди-сотдиси юзасидан кўплаб тушунтиришлар берилди. Лекин шунга қарамай айрим фуқаролар ноқонуний валюта олди-сотдиси билан шуғулланмоқдалар. Масалан, 2003 йил 16 март куни Тошкент шаҳрида яшовчи Р.Юсупов ўзининг 10 Z 5949 давлат рақамли «Нексия» автомашинасида, Қўнаев ва Нукус кўчалари чорраҳасида жойлашган 16 қаватли уй ёнида харидор Д.Қурбоновга 9000 АҚШ долларини 10,7 млн. сўмга сотаётган вақтида қўлга олинган. Текширув пайтида Р.Юсуповнинг ёнида нақд 9100 АҚШ доллари ва **«Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг ЖҚ ва ТҚКБ катта тезкор вакили, милиция майори»** деб ёзилган сохта хизмат гувоҳномаси мавжудлиги аниқланган.

Тадбир жараёнида АҚШ долларлари, сохта гувоҳнома ва «Нексия» олиб қўйилди.

Хорижий валюталарни мамлакатдан ноқонуний равишда олиб чиқиш ва олиб кириш ҳолатлари асосан пойтахтнинг «Тошкент» аэропортида содир қилинмоқда.

Масалан, Тошкент авиация транспорт прокуратураси томонидан мазкур аэропортда ўтказилган тадбир жараёнида **«Тошкент-Москва» йўналиши бўйича 601-рейс билан учиш учун рўйхатдан ўтган Ўзбекистон фуқароси У.Самиевнинг ёнидан божхона декларациясида кўрсатилмаган 75.120 АҚШ доллари топилди.**

Шунингдек, департаментнинг Тошкент шаҳар бўлими томонидан «Komfort Ltd» Ўзбекистон-Хитой-БАА қўшма корхонасига қарашли дўконда 2003 йилнинг 4 декабрида ўтказилган текширишда хусусий тадбиркор А.Собиров ва дўкон сотувчиси М.Шокировлар жиноий тил бириктириб, саноат молларини фуқаро Ш.Ҳамроқуловга 8000 АҚШ долларига сотаётган вақтида далилий ашё билан ушланганлар.

Юқоридаги ҳолатлар юзасидан жиноят ишлари қўзғатилиб, тергов олиб борилмоқда.

Кимки қонунга зид ҳаракат қилса ҳам бойлигидан, ҳам обрўсидан ажралади. Мамлакатимизда ҳалол ишлаб, ҳалол яшайман деган юртдошларимиз учун шароит етарли. Бироқ яширин йўллар билан бойимоқчи бўлганлар вақти келиб қонун олдида жавоб беради. Шундай экан, қонунга амал қилиб ишлаганга не етсин.

Анвар ҚУРОНБОЕВ,
Рустам НИШОНОВ,
Республика Бош прокуратурасининг бошқарма катта прокурорлари

МАОШИНГИЗНИ КИМЛАР

Эрта тонгда ҳамма ишга отланади. Ишлашдан мақсад яхши маош олиб рўзғорни тебратиш. Ота-боболаримиз рўзғор — ғор дейишган. Унга қанча ташисанг, шунча кам.

Рўзғорни боқиш учун яхши маош олиш керак. Ана шу яхшигина деган маош берилмаса ишга отланаётган одам оиласини қандай боқади? Кўплаб кишилар сабр-тоқатли, бугун бўлмаса эрта олармиз дейди. Баъзи нопок раҳбарлар эса андишанинг отини қўрқоқ деб, умид билан ишга келиб юрган ходимнинг маошини унга билдирмай ўзлаштириб олади. Республика прокуратура органлари томонидан иш ҳақи, пенсия ва ижтимоий нафақаларнинг ўз вақтида тўланишига доир қонунлар ижроси юзасидан текшириш ўтказилганда бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилинди.

Жумладан, «Ўзбекэнерго»га қарашли 16 та корхонанинг банкдаги ҳисоб-рақамларида 3,1 млрд. сўм маблағ бўлишига қарамасдан, банклар нақд пул билан таъминламаганлиги оқибатида 2003 йилнинг октябрь-декабрь ойлари учун иш ҳақи тўланмай келинмоқда.

Бундай мисолларни хоҳлаганча келтириш мумкин. **«Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Нодирабегим филиали мижози бўлган Тошкент давлат иккинчи тиббиёт институтининг ҳисоб рақамида 313,7 млн. сўм маблағи бўлишига қарамай, филиал бошқарувчиси Л.Костинанинг совуққонлиги натижасида ўқитувчиларнинг 26 млн. сўм иш ҳақи ва талабаларнинг 27 млн. сўм стипендияси асоссиз равишда тўланмаган.** Мазкур ҳолат юзасидан Л.Костинага нисбатан ЖКнинг 207-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилган.

Наманган вилояти, Наманган туманида жойлашган «Пахтабанк»нинг Тошбулоқ бўлимида ўтказилган текширишда банкда май ойида 277,3 млн. сўм, июнь ойида 272,6 млн. сўм нақд пул мавжуд бўлишига ва туман молия бўлими томонидан ойнинг 1-5-кунлари халқ таълими ходимлари учун тўланадиган иш ҳақи, нафақа ва таътил пуллари молиялаштириб берилганига қарамай мазкур тўловлар учун асоссиз равишда нақд пул берилмаганлиги аниқланган.

Ҳақли савол туғилади: нима учун ажратилган маблағлар эгаларига берилмаяпти?

Нақд пул айланмаси борасидаги қонунбузилишлар ҳам иш ҳақи, пенсия ва нафақаларнинг ўз вақтида тўланмаётганига сабаб бўлмоқда.

2003 йилнинг 15 декабригача Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖҚК департаменти бўлинмалари томонидан 53,4 млрд. сўмдан ортиқ ноқонуний нақд пул айланмаси аниқланган бўлиб, шундан 37,7 млрд. сўми нақд пулни банкка топширмаслик, 17,5 млрд. сўми назорат касса машинасидан ўтказмаслик йўли билан содир этилган.

Ноқонуний нақд пул айланмасининг энг кўп қисми Тошкент шаҳрига (15,5 млрд. сўм), Қашқадарё (6,2 млрд. сўм), Андижон (5,8 млрд. сўм), Тошкент вилояти (4,2 млрд. сўм)га тўғри

ИЖРОСИ БИЛАН КУЧЛИ

Юртимиздаги табиий бойликлар ҳақида гап кетса, фахр билан сўзлаймиз. Яқинда хорижлик бир тадбиркор «Ўзбекистонда Менделеев жадвалидаги барча бойликларни кўрдим» дея эътироф этди. Нефть, газ, кўмир саноати ривожланмаган мамлакат иқтисодий жиҳатдан бошқа давлатларга қарам ҳисобланади. Ўзбекистонда эса мустақилликдан сўнг кўплаб нефть, газ, кўмир конлари фойдаланишга топширилди. Улар Ватан равнақи учун хизмат қилмоқда. Бу ютуқлар билан фахрланамиз. Лекин бу соҳада кўзланган режалар бажарилмай қолмоқда. Нега?

«ҚОРА ОЛТИН» АТРОФИДАГИ «ЎЙИН»ЛАР

Ана шу саволга жавоб топиш мақсадида прокуратура текшириш ўтказди. Жумладан, «Кўмир» акциядорлик бирлашмаси томонидан кўмир қазиб олиш режаси бажарилмаганлиги оқибатида истеъмолчиларга кўмир етказиб бериш **«Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси бўйича 67,6 фоизни ташкил этган.** Бунга бирлашма ва унинг тизимидаги масъул шахсларнинг вазифасини талаб даражасида бажармаганлиги, мансабини суиистеъмол қилиб товарларни талон-тарож қилиши асосий сабабларидан бири бўлган. Аниқланган қонунбузилишлар юзасидан мансабдор шахсларга нисбатан жиноят ишлари қўзғатилди.

Хусусан, «Кўмир» АБнинг «Кўмир соҳасида қурилиш ва техник қайта жиҳозлаш» дирекцияси директори Р.Мирзалиев, ўринбосари Р.Эм, иқтисодчиси Б.Каримов, Ангрен «БелАЗ-кўмир» АЖ бошқарув раиси З.Мусажонов, бош муҳандис И.Акрамов, таъминот бўлими бошлиғи О.Видимкинлар бир нечта хусусий корхона раҳбарлари билан жиноий тил бириктирган. Жиноий гуруҳ 90,4 млн. сўмлик 22 дона автошинани, 12 дона «БелАЗ» машинасини қалбаки ҳужжатлар асосида Фарғона вилояти, Тошлоқ туманидаги «Компсистемс» тижорат ишлаб чиқариш корхонасидан «Кўмир соҳасида қурилиш ва техник қайта жиҳозлаш» дирекцияси орқали «БелАЗ-кўмир» АЖга ўтказиш йўли билан 361,5 млн. сўмлик маблағни ўзлаштирган.

Бу ҳам етмаганидек, мазкур дирекция мансабдорларининг масъулиятсизлиги оқибатида 1 та экскаватор етказиб бериш мақсадида «Махсус лойиҳа хизмат» хусусий фирмасига ўтказиб берилган 30 млн. сўм пул фирма раҳбари С.Бобоев томонидан ўзлаштириб юборилган.

«БелАЗ-кўмир» АЖнинг раиси З.Мусажонов ва таъминотчиси О.Видимкинлар 4 та «БелАЗ» машинасининг ишлаб чиқарилганлиги тўғрисидаги йил белгиларини қасддан ўзгартириш орқали ҳисобдан чиқариб, эвазига қора металл олиш йўли билан «Антесса» хусусий фирмасига бериб юбориб, давлат манфаатига жуда кўп миқдорда зарар етказган.

Мазкур ҳолатлар бўйича жами 550,3 млн. сўмлик зарар етказилганлиги аниқланган. Тергов жараёнида шундан 400,8 млн. сўм ҳамда 54,5 минг АҚШ доллари ундирилиб, айбланувчилар суд томонидан тегишли жазога тортилган.

Сурхондарё вилояти «Шарғун кўмир кони» АЖнинг кўмир етказиб беришда ўз нуфузи бор. Ташкилот раиси К.Хонов жамиятнинг бошқа мансабдорлари билан ҳамкорликда жамиятга тегишли бўлган, баланс қиймати 3,2 млн. сўмлик ГАЗ-31029 маркали автомашинани укаси Т.Хоновга ноқонуний равишда 300 минг сўмга сотиб, АЖга 2,9 млн. сўм зарар етказган. Халқимизда «Қўйнидан тўкилса — қўнжига» деган мақол бор. Хоновларнинг ўзларига ўзлари қилган «саховати» уларга қимматга тушадиган кўринади. Ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади.

(Ўзбекистон Конституциясининг 118-моддасидан).

Чингиз ЕСЕРГАПОВ,
Бахтиёр ЖОНИҚУЛОВ,
Республика Бош прокуратурасининг бошқарма катта прокурорлари

Бошқарма бошлиғининг ўринбосари М. Эгамбердиев қишлоқ хўжалигига оид қонунлар ижроси юзасидан навбатдаги йиғилишни ўтказмоқда.

— Яхши фикрлар муҳокамаларда пайдо бўлади, — дейди бошқарма бошлиғи ўринбосари Э. Даниялов.

келади. Бундай қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 949 та жиноят иши ва 1723 кишига нисбатан маъмурий жавобгарликка оид иш қўзғатилган.

Бюджет ташкилотларининг айрим масъул шахслари томонидан мансаб ваколатлари суиистеъмол қилиниб, ходимларга иш ҳақи ва бошқа харажатлар учун берилиши лозим бўлган маблағлар талон-тарож қилинмоқда. Масалан, Бухоро вилояти, Когон тумани марказий шифохонасида ўтказилган текширишда ғазначи А.Шодиев ходимларга тарқатилиши лозим бўлган 3,5 млн. сўм нақд пулни талон-тарож қилгани аниқланган.

Самарқанд вилояти, Қўшработ тумани

Маълумотларга кўра, 2004 йилнинг 8 январигача маҳаллий бюджетдан молиялаштириладиган бюджет ташкилотларида ишловчиларнинг ноябрь, декабрь ойлари учун иш ҳақлари, пенсия ва нафақалар тўлиқ молиялаштирилган. **Лекин нақд пул билан таъминланмаганлик оқибатида уларнинг тўланиши борасидаги ишлар умуман қониқарсиз аҳволда қолмоқда.**

Яна бир муаммо шундаки, айрим почта-алоқа бўлимларида ҳам пенсионерларга тўланиши лозим бўлган нақд пулларни ўзлаштириш ҳолатларига йўл қўйилган. Хусусан, Андижон вилояти, Шаҳрихон туманидаги «Бўстон» алоқа бўлинмаси бош-

ТУЯ ҚИЛМОҚДА?

ХТБга қарашли 59- мактаб директори Б.Чўлмирзаев ўқитувчи ва ишчиларнинг иш ҳақи ва нафақа пулларидан 563 минг сўмини, 2-мактаб директори Ф.Дувлаев 492 минг сўмини ҳужжатларни қалбакилаштириш йўли билан талон-тарож қилган. Виждони жиғилдонга айланган бу кимсаларни ким деб аташ мумкин?

Ушбу ҳолатлар юзасидан жиноят ишлари қўзғатилиб, тергов олиб борилмоқда. Албатта, айбдорлар жазосини олади.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, жойлардаги хўжалик юритувчи субъектларнинг мансабдор шахслари дебитор ва кредитор қарзларни ундириш чорасини кўрмаганлиги туфайли ҳам ишчиларнинг иш ҳақлари вақтида тўланмай келган. Масалан, Сирдарё вилояти «Сирдарё автобус-таксомотор саройи» АЖ раҳбарларининг совуққонлиги натижасида 32,7 млн. сўм муддати ўтган дебиторлик қарзи вужудга келиб, бунинг оқибатида ишчи-хизматчиларга 15,1 млн. сўм иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши таъминланмаган.

лиги М.Эминов ва бўлинма хабарчиси М.Машрабовлар жиноий тил бириктириб, тўлов ҳужжатларига қалбаки имзо қўйиш йўли билан 9 нафар пенсионернинг 250 минг сўм нафақа пулини талон-тарож қилишган.

Юқоридаги барча ҳолатлар юзасидан жиноят ишлари қўзғатилиб, тергов олиб борилмоқда.

Ўтган йили ушбу масалада аниқланган қўпол қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан прокуратура органлари томонидан **269 шахсга нисбатан 240 та жиноят иши қўзғатилган.**

Албатта, жиноят жазосиз қолмайди. Қолаверса, бировнинг ҳақига кўз олайтирган кишининг икки дунёда ҳам косаси оқармайди дейдилар. Бундан ҳар ким ўзига тегишли хулоса чиқариб олиши керак.

О.СУВОНОВ,
М.ШАРАФИДДИНОВ,
Республика Бош прокуратурасининг бошқарма прокурорлари

СПОРТ ҲАЁТ ТАРЗИМИЗГА АЙЛАНСИН!

Маълумки, сўнгги йилларда мамлакатимиз ёшлари ўртасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш ҳомийлик кенгашининг 2003 йил 4 июнда бўлиб ўтган йиғилишида янги спорт иншоотларини барпо этиш дастури, спорт анжомлари, кийим-кечаклар ва чарм-пойабзал маҳсулотларини ўзимизда ишлаб чиқариш, мактабларда жисмоний тарбия дарсларининг самарадорлигини ошириш, аҳоли орасида спорт маданиятини юксалтириш, оммавий спорт тарғиботини ривожлантириш масалалари кўриб чиқилган эди. Шунингдек, ЎзТВнинг 4-каналини спорт каналига айлантириш борасида атрофлича фикрлашиб олинган, ҳокимликлар, тегишли вазирлик, ташкилот ва идоралар раҳбарлари зиммасига аниқ вазифалар юкланган эди.

Болалар спортини ривожлантириш соҳасида олис қишлоқ мактабларининг спорт моддий-техник базасини замон талаблари даражасига кўтариш зарурлигини Президентимиз ҳомийлик кенгашининг 2004 йил 9 январдаги йиғилишида ҳам алоҳида таъкидлади.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз бўйича умумий ўрта таълим муассасалари сони 9727 та бўлиб, уларда 6.226.117 нафар ўқувчи таълим олмоқда. Мактабларнинг 2900 таси (30 фоизи) тўлиқ таъмирлашга муҳтождир. Бундан ташқари, 2001-2003 йилларда таълим муассасалари моддий-техника базасини яхшилаш юзасидан ҳокимликларда қабул қилинган қарорларнинг бирортаси ҳам тўлиқ бажарилмади.

Жисмоний тарбия — умумий тарбиянинг бир тури бўлиб, болаларни ҳаракатчанликка ўргатиш, жисмоний сифатларини кучайтириш-масъулиятсизлиги туфайли мактабнинг спорт зали ҳамда қўшимча хизмат хоналаридаги мебель ва жиҳозлар яроқсиз ҳолга келган. Туман болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тўлиқ таъмирланган бўлса-да, зарур жиҳозлар билан таъминланмаган. Қишлоқ жойларида спорт эътибордан четда қолиб кетаётганлиги, вилоят миқёсида шароит етарли бўлмаганлиги сабабли **республика мактаб ўқувчилари ўртасидаги «Умид ниҳоллари» мусобақаларида сирдарёликларнинг 2002 йили 10-, 2003 йили эса 14-ўринни эгаллаши ачинарли ҳол албатта.**

Тошкент вилояти мактабларида бу борада олиб борилаётган ишлар ҳам қониқарли даражада эмас. **Вилоятдаги 896 та мактабнинг атиги 599 таси спорт зали бор. Шулардан 523 таси замон талабларига жавоб бермайди.**

Навоий вилоятининг бир қанча туманларида ҳам бу соҳада жиддий камчиликлар мавжуд. Бунинг натижасида Навоий вилояти ўқувчилари «Умид ниҳоллари» мусобақаларида 2002-2003 йиллари атиги 8-ўринни эгаллашди.

Болалар спортини ривожлантириш ҳомийлик кенгашининг 2004 йил 9 январдаги йиғилиши кўрсатмаси асосида Халқ таълими вазирлиги Қорақалпоғистон ХТВ, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ХТБларига қарашли таълим муассасаларининг спорт моддий-техник базаларини қайтадан тўлиқ инвентаризациядан ўтказиш режасини ишлаб чиқди. Унга кўра 23 январдан бошлаб вазирлик мутахассисларидан иборат гуруҳ Навоий, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида иш юритмоқда.

Э.ТЎРАЕВ,
Республика Бош прокуратурасининг бошқарма прокурори

АЙБСИЗЛИГИМ АЙБИММИ МЕНИНГ?

(Бошланиши 1-бетда).

Бундай зарар етказилган ҳолатларни ҳисобга олиб, суд уни тўлаш мажбуриятини зарарни етказган шахс учинчи шахснинг манфаатини кўзлаб ҳаракат қилган бўлса, ўша шахсга юклаши ёхуд бу учинчи шахсни ҳам, зарар етказган шахсни ҳам зарарни тўлашдан тўлиқ ёки қисман озод қилиши мумкин».

— Мана энди тасаввур қилиб кўринг, — деди ўғлим, — қўшни подъезддаги ичувчи қўшнимиз уйида хотини билан ғижиллашиб қолди дейлик. Ў маст ҳолатда хотинидан ароққа пул беришни талаб қилади. Хотини пул йўқлигини айтгач, бирбирига шапалоқ уришади. Жанжал кучайгач, хотин ташқарига қочиб чиқади ва яширинади. Маст қўшни қўлига болта олиб, кўчага чиқади. Хотинини тополмагач, дарахт соясида суҳбатлашиб ўтирган тўртбешта пенсионер чол-кампирга болта ўқталади: «Сизлар хотинимга ўргатиб қўйгансизлар, шунинг учун у менга ароқ олишга пул бермаяпти, сизлар ҳаммасига айбдорсизлар!». Айтинг-чи, шундай ҳолатда сиз нима қилган бўлардингиз?

—Ҳайронман, милиция чақириб, қўлга олгунча у тўрт-бешта одамни чопиб ташлаши мумкин. Минг пол-вон бўлсанг ҳам, болта кўтарган одам билан курашиб бўлмайди. Демак, шу атрофда ётган тошми, ғиштми, тўғри келган нарсани қўлга олиб, уни уриб йиқитсамгина, бегуноҳ одамларнинг жонини омон сақлаб қоламан.

— Раҳмат, дада. Шундай дейишингизни билгандим, мен ҳам шундай қилган бўлардим. Аммо қизиғи шундаки, сиз урганингиздан кейин маст киши йиқилиб, боши ёрилса ёки қўли синса, унга етказилган зарарни сиз тўлайсиз ёки пенсияни қачон келтиришаркин деб ҳар куни почтачини кутадиган ўша чол-кампирлар тўлайди. Энди агар судья одамшаванда киши бўлса, сизни ҳам, пенсионерларни ҳам зарарни тўлашдан тўлиқ ёки қисман озод қилиши мумкин. Қонунда шундай ёзилган.

— Тўхта, ўғлим, шошма, қонун деганинг мана шу китобми? Уни ҳам сену менга ўхшаган одамлар чоп этишади. Компьютерда тераётганда ёки босмахонада кимдир хато ўтказиб юборгандир. Кел, ҳар эҳтимолга карши китобнинг русчасини ҳам бир кўрайлик.

Минг афсуски, русча кодексда ҳам айнан шу маъно акс эттирилган экан. Таққослаб кўринг: «Вред, причиненный в состоянии крайней необходимости, то есть для устранения опасности, угрожающей самому причинителю вреда или другим лицам, если эта опасность при данных обстоятельствах не могла быть устранена иными средствами, должен быть возмещен лицом, причинившим вред».

Модданинг давоми айнан таржима қилингани учун уни такрор келтириб ўтиришнинг ҳожати йўқ, зеро қонун ҳужжатларини жуда эътибор бериб таржима қиладилар.

— Ўғлим, бу дарсинг олий математикадан ҳам қийинроқ экан, ақлим етмади, — деб чиқиб кетдим. Анча ўйладим. Бир қанча ҳолатларни ўзимча тасаввур қилдим. Айтайлик, мен мироб бўлсам-у, сув омборининг тақсимлагичи менинг ихтиёримда бўлса, хоҳласам, сувни қишлоқ томонга очаман, деҳқонлар томорқасини суғориб оладилар. Хоҳласам, экинзор томонга очаман... Кутилмаганда тун бўйи челаклаб қуйгандек жала ёғиб, тоғлардан сел келиб, сув омбори тоша бошласа, тақсимлагичда эса сув қишлоқ томонга очиб қўйилган бўлса, мен нима қилган бўлардим? Албатта, қишлоқ томонни ёпиб, сувни экинзор томонга буриб юборардим. Кундузи қишлоқда қолган чол-кампирлар-у, ёш болаларнинг ҳаётини сел хавфи остида қолдиргандан кўра, икки-уч гектар ҳосилни қурбон қилиш маъқулроқ-да. Чунки, биринчидан, сел қишлоқдагиларнинг умрига зомин бўлса, уларни қайта тирилтириб бўлмайди, экинни эса бироз кечикиб бўлса-да, қайта етиштириш мумкин. Иккинчидан, тақсимлагичда сувни очмасдан бўлмайди. Сув омбори тошиб кетса, дамбани бузиб, шаҳарни сув босиб, оламолам зарар келтириши мумкин. Ҳаммаси тўғри-я, аммо сув уриб кетганлиги сабабли экинзорга етказилган зарарни мироб ўз ёнидан тўлаши лозимлиги бироз эриш туюлади-да. Мироблар қанча ҳақ оларкан ўзи? Миробда нима айб? Ахир у одамларни сақлаб қолдику!

Менимча, ҳаммасига ўша ўзбекча матндаги «бўлмаса» деган сўз айбдор. Агар ўша сўз тахминан «бўлган бўлса» деб ўзгартирилса, ўз-ўзидан русча матндаги «не» инкори ҳам олиб ташланади ва шу билан олам гулистон. Акс ҳолда, бу моддани ўқиб, ўқиб олган киши, айтайлик, мисолимиздаги ўша мироб элу юрт тақдирига бефарқ, панжа орасидан қарайдиган кимсага айланиб қолиши мумкин. Жала қуйиб, сел келган пайтларда у бамайлихотир қишлоқ томонни ҳам, экинзор томонни ҳам ёпиб, бир чеккада ўтираверади. Чунки раҳмат ўрнига туҳмат эшитишдан қўрқади. Сув омбори тошиб, дамбани бузиб, олам-олам зарар етказадиган бўлса, барча айб табиий офат елкасига юкланади. Дамбани қайта қуриш, шаҳарни қайта тиклаш, етказилган зарарни қоплаш икки-уч эмас, минглаб гектардаги ҳосил баҳосига тенг бўлиши билан унинг сариқ чақачалик иши йўқ, чунки у қўлидан келган барча ишни қилган, қишлоқ томонни ҳам, экинзор томонни ҳам ёпган оппоқ киши бўлиб чиқади.

Ҳуқуқшунос бўлмасам-да, бу кодекс мени ўзига «ром» этди. «Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар» деган 57-бобни тўлиқ ўқиб чиқдим. Ўғлимнинг: «Дада, сиз барибир тушунмайсиз» дегани тўғри экан.

Ростдан ҳам тушунолмадим. Ишонмасангиз, ўзингиз тушунишга ҳаракат қилиб кўринг: «Қонунда зарарни тўлаш мажбурияти зарар етказувчи бўлмаган шахсга юклатилиши мумкин».

Энди ушбу гапларга эътибор беринг.

«Зарар етказган шахс, агар зарар ўз айби билан етказилмаганлигини исботласа, зарарни тўлашдан озод қилинади».

Жуда яхши гап. Содда, лўнда, равон, тушунарли, аммо...

«Қонунда зарар етказган шахснинг айби бўлмаган тақдирда ҳам зарарни тўлаш (зарарни тўлатириш дейилмоқчи) назарда тутилиши мумкин». Буниси энди қандоқ бўлди?

Дўппини ерга қўйиб, мундоқ бир ўйлаб кўринг. Ҳуқуқшуносликнинг «ҳ» ҳарфидан ҳам бехабар, оддий меҳнаткаш одам буни қандай тушунади? Қисқаси, юрагимда «зарар етказувчи шахс бўлмасам-да, кимлардир етказган зарарни қоплаш мажбурияти менга юклатилиши мумкин экан-да» деган ваҳима пайдо бўлди.

Шу сабабдан эртасига эрталабдан китоб дўконларини айланиб, бир жилдлик Фуқаролик кодексига ёзилган тўрт жилдли «Фуқаролик кодексига шарҳлар» номли китобни топиб келдим. Бир томонга кодексни, бир томонга шарҳларни қўйиб, кун бўйи солиштириб чиқдим. Кодексдаги 989-, 990-, 991-, 997-, 998-моддалар ва айниқса 987-моддаси менга жуда ёқди, чунки улар аниқ, равшан ва лўнда шаклда берилган. Уларни ва уларга ёзилган шарҳларни ўқирканман, кўнглимда кодексдаги 985-моддани анча қисқартириб, яъни 2-, 4- ва 5-бандларини чиқариб ташлаш ҳам мумкин экан деган фикр пайдо бўлди. Зеро, бобда ўша бандлар мазмунига мос келадиган алоҳида моддалар мавжуд. 988-модда эса барибир ўзгартирилиши, яъни ундаги «бартараф этилиши мумкин бўлмаса» жумласи «бартараф этилиши мумкин бўлган бўлса» кўринишида берилиши керак деб ўйлайман. Ўзбекистон ЖКсида «Охирги зарурат» деган 38-модда бор. Унда шундай дейилади: «Охирги зарурат ҳолатида, яъни шахснинг ёки бошқа фуқароларнинг шахсига ёхуд ҳуқуқларига, жамият ёки давлат манфаатларига таҳдид солувчи хавфни қайтариш учун қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларга зарар етказган ҳолда содир этилган қилмиш, башарти, шу хавфни ўша ҳолатда бошқа чоралар билан қайтаришнинг иложи бўлмаса ҳамда келтирилган зарар олди олинган зарарга қараганда камроқ бўлса, жиноят деб топилмайди». Шундоқ экан, жазо ҳам белгиланмайди.

Тўғри, мен ҳуқуқшунос эмасман. Кодекслар ва уларга шарҳларни ёзишда иштирок этган ҳуқуқшунос олимларни билимсизликда айблаш фикридан ҳам йироқман. Аммо битта масала бўйича заҳматкаш ёзувчи сифатида ўз нуқтаи назаримга эгаман. Давлатда чиқарилган қонунлар бир-бирига зид келиши, бир-бирини инкор қилиши мумкин эмас. Зеро, қонунларимиз давлатимизнинг юзи. Хорижий мамлакатлар биз билан мулоқотга киришишдан аввал Конституциямизни, қонунларимизни ўрганиб чиқиб, сўнг шунга қараб муомала қиладилар. Шунинг учун қонунларимиз лўнда, равон, қафтда тургандек аниқ-равшан бўлиши керак. Алалхусус, жонажон Ўзбекистонимизнинг жаҳон мамлакатлари ўртасидаги обрў-эътиборини кўтариш, Ватанимиз, халқимиз, ҳукуматимиз шаънига озгина бўлса-да соя солиши мумкин бўлган ҳар қандай номувофиқликлар, номутаносибликларнинг бартараф этилишига баҳоли қудрат ҳисса қўшиш элим деб, юртим деб яшаётган ҳар бир фуқаронинг бурчи деб ўйлайман.

Гап Ватан ва унинг обрўси ҳақида кетганда турли юзхотирчиликларга, «менга нима» дея масалага панжа орасидан қарашларга ўрин қолмайди. Шу сабабдан ҳурматли ҳуқуқшунос олимларимиз мени маъзур тутиб, юқорида тилга олиб ўтилган ФКнинг 988-моддаси билан ЖКнинг 38-моддаси ўртасида номутаносиблик борлигига ҳамда 988-моддадан «етказилган зарар кимдан бўлишидан қатъи назар ундириб олиниши керак» деган маъно чиқиб қолаётганлигига эътибор қаратсалар, нур устига нур бўлар эди. Сизлар бунга нима дейсизлар?

Йўлдош ПАРДА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

BIR JINOYAT TAFSILOTI

Эрта тонгдан авзойи бузилган ҳаво каби унинг кўнгли ғаш эди. Боисини ўзи ҳам билмасди. «Мен парникдан хабар олай, қизлар билан бўгдойни тозалаб қўйинглар», — деди Ашурали. Эргашхон бормай қўявермади-да деб кўнглидан ўтказди-ю, индамади. Қишлоқ этагидаги янги ҳовлиларига иссиқхона қилиб, кўчат экишган. Маҳалла болалари ўйинқароқлик қилиб, унга тош отишга одатланишган, кеча шу туфайли қўшнилар билан айтишиб қолишганди. Мамлакат ўн яшар ўғли Бобурни етаклаб чиқиб, Ашурали акага бобиллаб берди:

— Кучингиз ёш болага етдими, нимага урасиз?!

— Урганим йўқ, бир машина тўкилган шағал устида ўтирганида ҳовлига тош отмагин деб уришиб ҳайдадим, — деди Ашурали.

— Кўтариб урди, — деди Бобур йиғламсираб. Мамлакат авж пардага кўтарилганида Ашурали хотин кишига тенг бўламанми деб уйга кириб кетди. Эргашхон қўшни аёлни шаштидан туширишга ҳарчанд уринмасин, жавраб-жавраб чиқиб кетди.

Азал-азалдан ота ўйинқароқ боласига бировга тош отма деб ўгит беради. Қўшни-қўшничиликни қадрлаб, уришиб эртасига яна апоқ-чапоқ бўлиб кетадиган болаларнинг ўртасига тушишни ўзига эп кўрмайди. Ўзингдан ўтгандир деб аввало ўз боласини тергайдиган ота-она ҳеч қачон аттанг қилмайди. Афсуски, Мамлакат ва унинг турмуш ўртоғи Мўмин маҳалла-қўйнинг ана шу оддий удумини унутиб қўйишганди.

Кечки пайт Бобур Ашурали тоға мени урди деганида худди иззатнафси ҳақоратлангандай Мўминнинг ғазаби қайнади. Нимага уйига тош отдинг деб ўғлининг танобини тортиб қўйиш ўрнига шаҳд билан кўчага отланди. Мамлакат ичиб олибсиз, кайфингиз бор деб йўлдан қайтарди. «Соғлиғингизда гаплашиб қўярсиз!». Шунинг ўрнига айб ўзидан ўтибди деганида олам гулистон эди. Лекин у оловга мой сепди. «Нимага шунча бола ичидан айнан менинг ўғлимни уради, нега мени назарига илмайди», деган савол дилини ўртади.

2002 йил 9 март куни эрталаб у Қоратепа қишлоғига борди. Ишларини битириб қайтаётганида пайвандчи ошнасини учратди. Улфатлар ўтириб «юз-юздан» отишди. Кейин Расулжон билан хайрлашиб, ўз қишлоғи Баҳримга қайтди. Майдалаб ёмғир ёғарди. Кўчанинг бошида Ашуралини учратди.

— Нега бизнинг ўғилни урасиз? — деди Мўмин. Салом-алик бир ёқда қолди.

— Экинларга тош отмасин-да, — деди Ашурали муроса оҳангида. Лекин кайфи тароқ аламзада гапни тушунадиган аҳволда эмасди.

— Бу ишни шундоқ қўймайман!

— Садқаи ота, садқаи тарбия! — деб Ашурали қўлини силтаб кетди.

— Шошмай тур, кўрсатиб қўяман сенга! — гудранди Мўмин. Уйига кириб ошпичоқ билан қуролланди.

— Юр, анави ўпкаси йўқ билан гаплашиб қўяйлик! — деди коллежнинг 3-курсида ўқиётган жияни Ҳомидга.

Ашурали уйида йўқ эди. Оббо, бир балони бошламаса деб Эргашхон хавотирга тушди.

Мўмин «душмани»ни уйидан 50-60 метр нарироқда тўхтатиб, пичоқ ўқталди:

— Кунинг битди, ўлдираман!

Ашурали унинг билагидан тутиб, қўлини қайирди. Ерга юзтубан тушган Мўминнинг қўлидан пичоқни тортиб олаётганида бошига урилган таёқ зарбидан кўзларидан учқун сачрагудай бўлди. Ўгирилиб қараганида Ҳомид яна таёқ билан солди. Ашурали лойга йиқилиб чўзилиб қолди. Мўмин унинг устига чўккалаб елкасига, белига пичоқ урди.

— Бас, — Ҳомид унинг қўлидан пичоқни тортиб олиб, уйга қараб юрди. Мўмин унинг ортидан эргашди. Ҳомид юз қадамча юриб, пичоқни қўшнисининг томорқасига ирғитди.

Қўни-қўшнилар бақир-чақирни эшитиб, кўчага чиқишди. Бир нечаси ерда чўзилиб ётган Ашуралининг тепасига югуриб боришди.

— Қўлингизни беринг, оёғим қимирламаяпти, туролмаяпман, — деди Ашуради.

— Тегманглар, — деди эсини йиғиб олган қўшнилардан бири. — Кўп қон кетибди. Турса яраси очилиб баттар бўлади! Дўхтир чақиринглар! Тўшак опчиқинглар, ётқизиб қўямиз...

Эргашхон қизлари билан бўгдойни тозалаб бўлаёзганди. «Тоғамни пичоқлаб қўйишибди!» — деди эшикдан кириб келган қўшни бола. Эргашхон ва қизлари саросимада кўчага югуришди. Ашурали ҳушсиз ётар, хотини, қизларининг дув-дув ёшлари ёмғир аралаш юзларини юварди. Кимнингдир эсига келиб, уларнинг устига кўрпача тутиб, ёмғирдан пана қилишди. Ашуралини авайлиб «тез ёрдам» машинасига ётқизиб, касалхонага олиб боришди.

— Бошимга Ҳомид калтак билан урди, — деди операциядан кейин хушига келган жабрланувчи. — Мўмин икки-уч марта пичоқ санчди...

Врачларнинг муолажалари бесамар кетди. Оғир жароҳат олган Ашурали Иброҳимов касалхонада вафот этди.

Мўмин Юсупов дастлабки терговда Ашурали тириклигида ўғлини уриб сўккани учун жияни Ҳомид билан унинг йўлини тўсиб, пичоқ ўқталгани, жияни калтак билан ургани, ўзи пичоқ санчганига иқрор бўлиб кўргазма берганди. Кейин сўзларидан тониб, Ашуралидан ҳимояланаётиб бехос пичоқлаб қўйганман, Ҳомид қандай келиб қолганини билмайман деб ўзини оқлашга уринди. Лекин суд жараёнида жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўргазмалари, далилий ашёлар билан у ва жиянининг айбдорлиги тўлиқ исботини топди. Суд ҳукми билан М.Юсупов ва Ҳ.Фозилов узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Султонбек ЙЎЛБАРСОВ,
Асака тумани прокурори

JINOYAT OLAMI ODAMLARI

ҚОРА РЎЙХАТ

ЁХУД BOSSLAR ИНҚИРОЗИ

(Бошланиши ўтган сонда).

Аҳвол жуда оғирдек тюларди. Лекин Вито бир пайтлар «Коза Ностра»нинг қироли эди. АҚШга келиб тушиши билан уни қўлга олишди. Суд уни қамашга ва гаров пулига озодликка чиқармасликка қарор қилди. Бироқ, моҳир адвокат Жорж Вольф гаров пулига озодликка чиқармаслик ҳақидаги ҳукмни бекор қилишга эришди. Вито 100.000 АҚШ доллари эвазига қамоқдан қутқариб қолинди.

Жиноий иш ёпилди. Гувоҳлар турли ҳолатларда бевақт оламдан кўз юмдилар. Ишни олиб борган прокурор Хоган айбловни бекор қилди.

АҚШ ҳуқуқ-тартибот органлари билан муаммоларини ҳал қилгандан кейин Вито «Коза Ностра»да қироллиги қайта қўлга олишга киришди. «Оила»даги ҳукмронлик эса Фрэнк Кастеллога тегишли эди.

«Коза Ностра» тахтини эгаллаш учун бир неча ой, балки йиллар ҳам кетишини Вито яхши тушунарди. Шунинг учун у қулай пайтни кута бошлади. Витонинг йўлига Кастеллонинг яқин одами Вильям Моретти жиддий тўғаноқ эди. Бироқ Моретти сифилис касалига дучор бўлганди. Дарди жиддийлашиб мияси деярли ишламай қолган Моретти вафот этади. Шунга қарамай Кастелло тахтни 6 йил давомида бўшатмади. 1952 йил 2 майга келиб Витонинг мақсади амалга ошди. Кастеллонинг жонига ўз уйи олдида қасд қилинди. Бошидан яраланган Фрэнк тирик қолди. Бироқ «Коза Ностра»нинг чўққисини Женовезега бўшатиб берди. Вито тахтни эгаллаши билан Мангона оиласига ва унинг босси Альберто Анастазиага кўз олайтирди. Вито Альбертони азалдан ёмон кўрарди, бунинг устига кўчада Альберто собиқ босс Кастелло билан тил бириктириб, Витодан тахтни тортиб олмоқчи бўлгани ҳақидаги гаплар тарқалганди. Айёр Женовезега душманларининг қадамини олдиндан кўра билиш қийин иш эмасди. У Альбертонинг «ўнг қўли» Карло Гамбинони ўз тарафига оғдиради ва агар у хўжайинини йўқ қилишга ёрдамлашса унинг ўрнига оилани бошқариши мумкинлигини айтади. Карлога ёрдамчи сифатида ўзининг одамларидан бири Жозеф Биондони бириктиради. Ишлаб чиқилган бу операцияда Вито бир ўқ билан икки қуённи нишонга олган эди. Бир тарафдан у ёмон кўрган рақиби Анастазиадан қутулаётган бўлса, иккинчидан Нью-Йоркдаги мафия оилаларидан бирига ўз одамини бошлиқ қилаётган эди. Демак, энди у барча учун ўз жиноий гуруҳининг бошлиғи ҳисобланса, аслида «Коза Ностра»нинг бошқа гуруҳига ҳам бошчилик қиларди.

1957 йил 26 октябрда Альберт Анастазиа сартарошхонада ўлдирилади. Карло Гамбино қутилганидай мафия оиласига бошлиқ бўлди. Вито Женовезе эса Гамбинога тахтни топшириш маросимини дабдабали ўтказишни режалаштирди. Бунинг учун синдикатнинг навбатдаги йиғилишига мафия боссларини таклиф қилди. Аввалига учрашув Чикагонинг энг катта меҳмонхоналаридан бирида ўтказилиши керак эди. Лекин Буффало жиноий гуруҳининг раҳбари Стеффано Магаддинонинг таклифига биноан учрашув унинг шаҳар четидаги уйида, Апалачи деган жойда ўтказиладиган бўлди.

Бироқ қутилган ҳашаматли учрашув амалга ошмади. Нью-Йорк полициясининг зийрак сержанти Эдгар Д.Кроссвелл бир тарафга кетма-кет кетиб бораётган қиммат автомобилларда бир гап борлигини сезиб қолди. Машиналар тўхтатилиб барча босслар суратга олинди.

1950 йилдаги ажралиш жараёнида Витонинг рафиқаси Анна унга қарши кўрсатма бера бошлади. Сабаби, Вито аёлига вафодор эмасди. У ҳатто унинг дугоналари билан ҳам дон олишиб юрарди. Охир-оқибат бу Аннанинг жонига тегиб у ажрашиш тўғрисида ариза берди. Суд жараёнида унинг эрига қарши бераётган кўрсатмаларидан ФБР фойдаланиб, Витони наркотик савдосида айблаб қамоққа олмоқчи бўлди. Асосий гуноҳлардан яна бири наркотик операцияси вақтида қўлга олиниб «Синг-Синг» қамоқхонасида жазони ўтаётган пуэрториколик Нельсон Кантеллопс эди. 1958 йилда Женовезе ва жиноий гуруҳнинг 28 аъзоси орасидан тил бириктириб наркотиклар савдосида шуғулланганликда айбландилар. Суд жараёни 1959 йилга белгиланди.

Анна кенг оммага эрининг бойликлари ҳақидаги маълумотларни фош қила бошлади. Унинг гапига қараганда фақат лотерея ўйинларининг ўзидан Вито бир ҳафтада 40 минг доллар фойда кўрарди.

Иккинчи суд жараёни, яъни наркотик савдосига тааллуқли иш натижалари шов-шувга айланди. Вито ва ўн тўрт ҳамтовоғининг айби исботланди. Айбланаётган қолган тўқиз жиноятчи қочиб кетишга муваффақ бўлишди. Шахсан Женовезе 15 йилга озодликдан маҳрум этилди.

Қизиқарли томони шундаки, Вито қамалишига сабаб бўлган рафиқасини ўлдиришга бўйруқ бермади. У италиялик мафиозлар усулини қўллаб «қасос олмоқчи бўлсанг, душманингнинг акасини ўлдир» қабилида иш тутди. Шунга асосан Аннанинг акаси Стив Фрэнзе мўлжал сифатида танланди. Босс қамоқхонада ўн йил умрини ўтказиб муддатидан илгари озодликка чиқишини кутаётган эди. Бироқ унга озодлик ҳавосидан нафас олиш насиб этмади. 1969 йилда Женовезе қамоқда вафот этди.

Жон Готти — унинг шиори «Коза Ностра» мен ўлмагунимча «Коза Ностра»лигича қолади» эди.

1990 йилда Жон Готти узоқ уринишлардан сўнг қўлга олинганди. ФБР жиноий оиланинг энг катта босси энди қонундан қочиб қутулолмаслигига барча кучини қаратди. «Коза Ностра»нинг босси бир неча жиноятларда, хусусан Пол Кастелланонинг ўлимида ҳам айбланаётган эди. 1958 йилда Готти Кастелланони Гамбино оиласидаги қиролликни қўлга киритиш учун ўлдириб, унинг жасади совуб улгурмасдан янги босс деб тан олинганди.

Жон Готти 1940 йил 27 октябрда туғилган. 13 нафар боланинг орасида бешинчи фарзанд. Отаси Жон Неаполдан сўнг кўчиб келган муҳожир. У қора ишчи эди ва кунига 1,25 доллар маош оларди. Онаси — Фанни. Уларнинг оиласи Нью-Йоркдаги энг кўп жиноятлар содир этиладиган Бронкс туманида, кичкина уйда яшарди. Готти ту туманни шунчалик ёмон кўриб қоладики, кейинчалик боссга айланганида бу жойларни назорат доирасига киритмайди. Жон 12 ёшга тўлганида оиласи Бруклиннинг Браунсвипл номли қисмига кўчиб ўтишди. У ерда италияликлар яшардилар. Бир неча кичик жиноий гуруҳ бу ерда ўзаро можароларини ҳал этишарди. Жисмонан кучли Готти ўспиринлик вақтиданоқ «темир мушт» лақабини олди. 16 ёшида у бир неча тенгдошлари билан жиноий гуруҳ тузиб, унга бошчилик қилди. Гуруҳдан ҳамма чўчирди.

Готти тенгдошларига қараганда жуда ақлли эди. Мактабда ўтказилган интеллектуал коэффициентнинг тест натижалари 140 баллни кўрсатди. Яна 9 балл тўплаганида у гений деб ҳисобланарди. Ўқитувчилар уни тест жавобларини қалбакилаштирганликда айблашди. Лекин бу Готтига ҳеч қандай фойда келтирмасди. Чунки у яшаётган туманда инсоннинг ақлий қобилиятига қараганда жисмоний қобилияти кўпроқ тан олинарди. Унинг дўстларига Готтининг берилган мисолни неча дақиқада ечиши эмас, балки у рақибини нечанчи зарбада қулатиши қизиқроқ эди.

Готтининг жаҳли жуда тез эди. 16 ёшида у бир йигитга қарз беради. Қарздор бир неча марта белгиланган вақтда пулни етказиб келмаганидан сўнг Готтининг баъзи дўстлари, сени аҳмоқ қилаяпти, пулингни қайтариб бермайди, деб ғазабини кучайтиришади. Жаҳли чиққан Жон йигитни топиб, бейсбол дастаси билан ура бошлайди. Агар дўстлари тўхтатиб қолишмаганда Готти уни ўлдириб қўяди.

Унинг кумири Альберт Анастазиа эди. Готти 16 ёшида ўқишни ташлаб «Фултон-Рокавейлик йигитлар» номли жиноий гуруҳ тузади. Улар юк ортиладиган машиналарни ўғирлаш билан шуғулланадилар. Лекин Готти учун бу камлик қиларди. Тасодифан содир этиладиган ўғирликлардан унинг кўнгли тўлмасди. Кейинроқ у «Коза Ностра»нинг аъзоларидан бири билан танишади ва «Фултон-Рокавейлик йигитлар» уларнинг кўрсатмаларини бажаришга тайёр эканлигини айтади. Кутилганидай ишлар юришиб кетди.

Готтининг ўринбосари «Буқа» лақабли Сальватор Гравано ўзининг мафия ҳаёти ҳақидаги китобида шундай ёзади: «Готти катта қимматбаҳо эди. Шунга қарамай у йирик мағлубиятларга учрайдиган ўйинчи ҳисобланарди. Лекин ҳар доим қарзларини вақтида тўларди. Агар шундай қилмаганида жиноят оламида бу каби катта ҳурматга эга бўлмасди». Готтининг расмий эълон қилинган даромади бир йилда сантехника ускуналари сотувчиси сифатида 25.000 доллар эди. Бироқ унинг дам олиш кунларининг ўзида пойгага тикиб йўқотган пуллари 30.000 долларни ташкил қиларди.

Вақт ўтиб Готти Гамбино жиноий оиласининг «аскар»и Анжело Брунога ишлай бошлайди. Кейинроқ Бруно уни устози Кармине Фатико билан таништиради. Готти янги танишлар орқасидан янги иш топади. Энди у жиноий гуруҳидаги йигитлар билан «Айдлуалд» аэропортидан юк ортилган машиналарни ўғирлайди. Кейин жиддий иш, яъни одам ўлдириш билан шуғулланади. У Гамбино оиласига хизмат қилаётган икки қора танли шахсни ўлдиради. Жабрланувчилар умумий улушга хиёнатда айбланган эдилар. Мияларидан отиб ташланган жасадларни топишганидан сўнг полиция Готтининг изига тушади. Қўлга олинган пайтда далиллар етишмаганлиги сабабли уни қўйиб юборишади.

21 ёшида Готти Виктория Жоржга уйланади. Викториянинг отаси италиялик қурувчи, онаси эса россиялик яҳудий эди. Қизнинг ота-онасининг қаршилигига қарамай, 1960 йилда тўй бўлди. 1961 йилнинг апрель ойида Анжела туғилди. Кейин яна қиз туғилди ва исмини Виктория қўйишди. Ундан сўнг икки ўғил — Жон ва Фрэнклар туғилишди.

Ўша даврда Готти расмий равишда «Гарнес Экспресс»да ҳайдовчи ёрдамчиси лавозимида ишларди. 1963 йилда у ўғирлаб кетаётган машинасида қўлга олинди ва 20 кун шаҳар қамоқхонасида «меҳмон» бўлди. Кейинги йилларда у икки марта қўлга олиниб, олти йил умрини қамоқда ўтказди.

Бир куни акаси Жин билан «Юнайтед Айрлайнс»дан 20.000 доллар қийматидаги телевизорлар ортилган юк машинасини ўғирлаб кетаётганида қўлга олиниб, гаров пули эвазига қўйиб юборилганди. Кейинроқ Жон Нью-Жерси шоссесида иккита юк машинасини ўғирлаётган пайтида қўлга олинади. Оқибатда тўрт йилга озодликдан маҳрум қилиниб, Пенсильвания штатидаги «Луисбург» қамоғига юборилади. У ерда Готти Банано жиноий оиласининг босси Кармине Галанте билан танишади. Галанте героин тарқатганликда айбланиб қисқа муддатга қамалган эди. Готти ва Галантелар дўст тутинишди. Икки дўст озодликка чиққанидан кейин Галанте дўстини тез-тез меҳмонга «Лумбург Клуб»ига таклиф қиларди.

Готти озодликка чиққунга қадар унинг босси Кармине Фатико Куинсда янги штаб-квартира ташкил этди. У иккита дўкончани сотиб олиб, овчи ва балиқчиларнинг «Бергин» номли клубини очди. Шундан сўнг Готтининг жиноий гуруҳи «Бергин шайкаси» номи билан юритила бошлади.

1973 йилнинг бошларида Карло Гамбинонинг 29 ёшли жияни Эмануэль ўғирлаб кетилади. Гамбинодан жияни учун 350.000 доллар талаб қилишди. Бу иш фожеа билан якунланди. Жиянни отиб ўлдиришди. Гамбинонинг ғазабининг чеки йўқ эди. У Жон Готтини чақириб, жиянини ўғирлаб кетган қотилни топиб ўлдиришни буюрди. Босснинг шахсан ўзи чақириб топширик бергани Готти учун катта обрў эди. Гамбинонинг ўринбосари Пол Кастеллано Готтига ёрдам учун Ральф Гальонни бириктирди.

1973 йил 22 майда «Снуп» ошхонасида Готти, Ружеро ва Гальон Жеймс Макбрет исмли ўғирликни ташкиллаштирган шахсни топишди. Режага асосан Готти Макбретни наркотик сотиш баҳонасида кўчага олиб чиқиб шахсан ўзи ўлдириши керак эди. Бироқ ўша куни кокаинга «тўйиб олган» Гальон тўппончасини чиқариб ҳамманинг олдида Макбретни отиб ташлади.

Готтининг режаси барбод бўлди. У босснинг «шарафли» топширигини шахсан ўзи бажариб, шу орқали жиноят оламининг чўққиси сари бир неча қадамлар ташлаши мумкинлигини яхши тушунарди. Яқин дўсти Анжело Ружеро қизиб кетган Готтини совута олмади. Қандайдир бир оддий Гальон Готтининг режасини бузиб юборди. Бунинг натижасиқасос бўлди. Готти Гальонни отиб ташлади. Бу ўжар ва жаҳлдор неаполликнинг шахсий қасоси эди.

«Коза Ностра»нинг қоидасига биноан унинг аъзоларидан босснинг рухсатисиз бир-бирларини ўлдириши ман этилади. Қоидани бузганга ўлим жазоси берилар эди. Гальон Пол Кастелланонинг «аскар»и бўлгани сабабли уни ўлдириш учун Готти аввал Кастелланодан изн сўраши керак эди. Лекин Готти бундай қилмади ва қоидани бузди. Уни ўлдириш шарт эди. Бироқ Деллакроче (Гамбинонинг иккинчи ўринбосари) унинг ёнини олди. Деллакроче Готтини ўғлидай кўрарди ва унинг жиноят оламида ҳурмат қозонишига катта ҳисса қўшганди.

Готти масаласи бўйича тезкор йиғилиш чақирилди. Йиғилишда мафиянинг босси Карло Гамбино, унинг икки ўринбосари Пол Кастеллано ва Аниелло Деллакроче ҳамда маслаҳатчи Жозеф Армонелар иштирок этишди. Готтининг жони қил устида турганди. Кастеллано унинг қонига ташна эди. Деллакроче шафқат қилишларини сўрарди. Гамбино нима қилишини билмай боши қотиб қолганди. Шу пайт маслаҳатчининг иборасиқ масалани ҳал қилди ва Готтининг жонини сақлаб қолди. Армоне шундай деди: «Қоидаларимизга асосан Готти ўлиши керак. Бироқ шу каби инсонлар туфайли «Коза Ностра» ўз ҳурматини сақлаб яшаб келмоқда». Тонгга яқин йиғилиш тугади. Унга асосан Готти тирик қолди, лекин у Гальонни ўлдирганини тан олиб, қамоққа тушиши шарт эди. Деллакроче Жонга ўзининг энг малакали адвокатларини берди. 1974 йилда Готти судда жавоб бериб, 20 йил ўрнига 4 йилга озодликдан маҳрум қилинди. Сабаби, адвокатлар қотиллик қасддан эмас, балки «эҳтиётсизлик оқибатида» содир этилганини исботлашга муваффақ бўлдилар.

Готти қамоқдалигида, яъни 1976 йилнинг октябрь ойида Карло Гамбино вафот этди. Ўлимидан олдин у ўз ўрнини Пол Кастелланога топширди.

1977 йил 29 июлда Готти озодликка чиқиши билан «Коза Ностра»га қабул қилинди.

1979 йилда Готти учун Деллакрочедан қарзини узиш учун қулай вазият туғилди. Уни ва гумон қилинаётган шериги Энтони Плейтни Флоридада тақиқланган ўйинларни ташкиллаштирганликда айблашаётган эдилар. Энтони айбини енгиллаштириш учун ФБРга ёрдам бериб, Деллакрочега қарши кўрсатма бера бошлади. Энтони ягона гувоҳ эди. Буни яхши билган Готти уни ўлдирди ва бир пайтлар унинг жонини сақлаб қолган Деллакрочедан қарзини узди.

Готти узоқ йиллар давомида мафиядаги оиласига бошчилик қилиб келди ва уни ривожлантирди. 1992 йил 23 июнда у охирги марта ўзининг байрамона оқ костюмини кийди. Готти умрбод озодликдан маҳрум қилинди. Маълумотларга қараганда, ҳозирги кунда унинг жиноий оиласига кичкина ўғли Жон бошчилик қилади. От ўрнини той босар деб бекорга айтишмаса керак. Бу нақл қанчалик тўғри эканлигини вақт кўрсатади.

Қора рўйхатда юқорида исмлари келтирилган шахслардан бошқа жиноятчилар ҳам бўлган. Улар Аль-Капоне, Сальватор Маранзано, Жузеппе Массерия, Майер Лански, Бен Сигал, Сальваторе Гравано каби қўл остидагилари учун босс, қонун олдида эса жиноятчи ҳисобланган кишилардир. Уларнинг барчаси охир-оқибат қамоққа олинган ёки бойлик талашиш натижасида шериклари томонидан ўлдирилганлар.

Жаҳонгир МАХСУМОВ тайёрлади

ORAMIZDAGI ODAMLAR

ДЎСТ ҲАҚИДА СЎЗ

Кишининг қалби, мустақил фикрлаш қобилияти унинг қай даражадаги инсонлигини белгиловчи мезондир

У жим юради, қалбида шиддат билан оқаётган дарёнинг шовқинини ҳеч ким эшитмайди. Бир хил, қатъий ва хайрли қарашлар. Турли одамларни кўрганман. Одамнинг зоҳирини эмас, ботинини кўра олишимга шукроналар айтаман. Ҳар кимнинг чеҳраси минг тусга кирмасин, кўзлари, лаблари соҳибидан айро бошқа нарсаларни сўйлаб туради. У эса турланмайди.

Меҳнат фахрийси Саида опанинг Одил Амирқулов тўғрисида ҳаяжонланиб гапирганининг гувоҳи бўлганман. Энтикиб-энтикиб, оғзидан бол томиб сўзлайди. Ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотиган бу аёлнинг кўнгли жуда нозик. Камдан-кам одамни мақтайди. Ёмон кўрганини ёмон қарғайди, яхши кўрганига таърифни аямайди.

Бош прокуратурага аттестациядан ўтгани бордим. Синов топшириш ҳолида эмас эдим. Тўғри дорилшифодан келганман. Ўриндиқлари юқоридан пастга қиялатиб терилган залга кирдим. Ҳамма ўзи билан ўзи овора. Юқорироқда Одилжон ўтирган экан. Мени кўрган заҳоти пастга тушиб келди. Саломлашиб, ҳол-аҳвол сўради. Кўнглим кўтарилди.

Сўнг ёнидаги залга ўтдик. Комиссия аъзолари доира стол атрофида ўтиришибди.

«Кадр»имиз республика кадри ходимига нимадир шипшиди. У ўз навбатида республика Бош прокурори ўринбосарига аста нимадир деди. У бош қимирлатиб қўйди. Менга енгил-енгил савол беришди, шеър ўқиб беришимни сўрашди, ишимга омадлар тилашди. Комиссия аъзоларининг одамийлигига ичимда таҳсин ўқидим. Вилоят прокуратурасининг республикада ўз ўрни, нуфузи борлигини ҳис этиб, дилдан қувондим. Кайфият одамимасманми, ўша кунлар учиб юрдим. Шифо масканига қайтиб бордим. Муолажага ҳожат қолмаганди гўё.

Дўст ҳақида эмас, у ўзи ҳақида ёзаяпти демангу мен на унвон, на мансабга қизиқдим. Бир куни Одилжон киши ўз қадрини билиши керак деган маънода гап айтди. Демак, у одам ўзининг қадрини ҳам билади. Балки, киши шундай бўлиши керакдир. Шундагина ҳаётда нимагадир эришар.

Одил Амирқулов ҳозир Қашқадарё вилоят прокуратураси умумий назорат бўлими бошлиғи. Қачон қараманг чакка томирлари ўқловдек бўртиб туради. Шунга қарамай, ҳуқуқ тарғиботига вақт топади. Кишиларнинг саволига вазминлик билан ўйлаб, салмоқли жавоб беради. Гўё айтишдан олдин сўзларини тарозида тортиб кўраётгандай.

— А, Довуд, ака-я, — дейди баъзан бошини хиёл силкитиб. Шунда, ибора билан айтганда, қовун тушириб қўйганлигимни англайман. Билмадим, қолоқликми, шошқалоқликми? Бир неча кун хижолат баданимда мўрчадек ўрмалаб юради.

Баъзан қурт еган оғочдан озурда жон яшнаган дарахтдан завқ туйгандай теран ақл соҳиби суҳбатидан баҳра олади.

Ҳаммамиз Одил Амирқуловнинг хонасига таваллуд куни билан табриклагани кирдик. Бир даста чиннигул ва чиннивор ҳадя қилдик. Энг муҳими, шогирдлари юрақдан илиқ гаплар айтишди. Менга шеър ўқинг дейишди. Кимдир Ҳофиздан деб қўйди. Кўнглимдан ушбу сатрлар кечди:

Марҳабо, эй пайк муштоқон бдеҳ пайғом дўст,
То кунам жон аз сари рағбат фидои ном дўст.

Қисқаси шундай: марҳабо, мен муштоқман, хабарчи, дўст хабарини бер, токи унинг номига жонимни фидо қилай.

Дўстимизнинг номи адолатли, инсофли маъносини беради. Теранроқ таржимага ҳожат йўқ. У киши форс тилини жуда яхши тушунади. Ҳар киши ғазал оҳангидан роҳатланса ҳам юрак билан маъносини англагандай ҳузур қилади.

Бир куни хонамга милиция назорати бўлимида ишлайдиган Санобар Ражабова кириб келди.

— Редакциянгиздагилар «НП»имни беришмаяпти.

— Ҳозир айтаман, олиб келишади. Шошманг. Одил Амирқулов ҳақида бир нарса ёздим, ўзларига айтсам, ҳеч жойга берманг, дедилар. Назаримда, ёмон чиқмаган. Сиз нима дейсиз?

— Беринг, беринг. Беғараз одам. Ҳеч кимдан ёрдамини аямайди. Ҳақиқий устоз. Баъзан боши берк кўчага кириб қолгандай бўлсанг, бир фикр айтадики, ҳолатдан қандай чиқиб кетганингни билмай қоласан. Кўнглинг тоғдек кўтарилади. Қани, ҳамма шундай ишласа.

Шогирдларидан бири шундай деб қолди: «Одил ака ходимларини ҳеч ҳам сўкмайди, бир қараса бўлди...».

Бир баҳонада ушбу сатрларни битдим. Ҳаммамиз йўловчи каби. Поезд кетаяпти. Ҳаёт поезди. Сизга «100» деган бекатга етиш насиб қилсин, илоё.

Довуд МАҲДИЙ

JURNALNING YANGI SONI

НАФЪИНГ АГАР ХАЛҚҚА БЕШАК ДУРУР...

Яқинда Россия Федерациясида яшайдиган қариндошимиздан мактуб олдик. Ҳа, у биз кутган, олтмиш йилдан зиёдроқ вақт давомида мамлакатда яшаб келаётган, сўнгги бор юртимизда 1959 йилда меҳмон бўлган, 1990 йилдан буён хат-хабар ололмаган ва эндигина ундан хабар топиш мақсадида «Меҳр кўзда» ёки «Жди меня» кўрсатувларига мактуб йўллашни ният қилиб турган маҳалда келган хат эди! Мактубда қариндошимиз турмуш ўртоғи билан 82 ёшни қаршилагани, уч қизи (ҳатто кенжа қизини ўзбек йигитига турмушга берган), набиралари ардоғида яшаётгани, энг муҳими, қариндошлари, қишлоғи, юртини беҳад соғинганини изҳор этган эди. Иккинчи жаҳон уруши туфайли ўзга юртда қолиб кетган, айтиш лозим бўлса, охиратини ўйлаган қариндошимизнинг йигирма метр бўз жўнатишимизни сўраганини эшитган қишлоқ кексаларининг кўзларида ёш айланарди!

Бу сўзларни нега ёздим? Албатта, бежиз эмас. «Qonun himoyasida» журналининг жорий йилдаги дастлабки сонида эълон қилинган «Хориждаги ўзбек оилалари» сарлавҳали суҳбат-мақола кўнглимдагини дилдан тилга кўчирди. Мақолани ўқиб бўлиб, журнал муқовасига бир муддат тикилиб қолдим: иккинчи жаҳон урушининг айни авж палласида қариндошимиз худди манави йигитлардек ўктам нигоҳли, қалбини шижоат эгаллаган йигит бўлгандир балки!

Журнални варақлай туриб, нигоҳим беихтиёр «Фарғонада «ўзбек иши» қандай кечган эди?» сарлавҳали мақолага қадалди. Хориждаги ўзбеклар ҳақидаги ҳаёлим ҳадсиз бўлиб турган бир алфозда бу далиллар билан йўғрилган мақолани ҳам ўқиб чиқдим: умр йўлдошига куйган онахоннинг самолётда жони узилиши, оддий пахта топширувчи кишининг ёлғон айблар ўрнига бўйнига сиртмоқни илишни афзал билгани... Турли инсон, турфа тақдирлар!..

Оғир хаёллардан сўнг ёруғлик истаган кўнгилни «Тафаккур чироғи» ёритгандай бўлади: нафъинг агар халққа бешак дурур, балки, бу нафъ ўзингга кўпроқ дурур...

Эзгуликка йўғрилган мақола, суратлардаги меҳр балқиб турган чеҳраларни кўздан кечираман: «Мўйнокда юрагида ўти борлар яшайди», «Юзларида меҳр ёғдуси», «Инсонпарварлик—жамиятимизнинг тамал тоши», «Маҳалланинг ҳуқуқий асоси — инсонийлик». Бундан ташқари, солиқ, сиёсат, иқтисод, мусиқа, таълим мавзуларидаги мақола, тадқиқот, таклиф ва таҳлилларга бағридан жой берган журналнинг мақсади — халқ маънавияти, маданияти, ҳуқуқий маърифатини оширишдир.

Журнални Сиз ҳам ўқинг, азиз муштарий! Зеро, у Сизга кимнидир ёки ниманидир эслатар балки, жиллақурса, билмаганларингиз ҳақида қай даражададир маълумот оласиз.

Шерали МАҲМАРАЙИМ ўғли

TADQIQOT

ТИШ ТУШДИ, АҚЛ КЕТДИ...

ИТАР-ТАССнинг хабар қилишича, японялик олимлар омма эътиборига яна мунозарали янгиликни тақдим этишди. Уларнинг таъкидлашича, инсон қариган чоғида зеҳнининг пасайиши тиш тушиши билан боғлиқ экан.

Тохоку университети мутахассислари ёши 69 дан 75 гача бўлган 1167 нафар пенсионер ўртасида тадқиқот ўтказди. Унинг натижалари Осиё ва Океания геронтологларининг халқаро анжуманида эълон қилинди. Қарияларнинг бош мияси магнит-резонанс сканеридан ўтказиб кўрилганида шу нарса аён бўлдики, тишлар сони камайиши билан миянинг *гиппокампа* номли қисмида ҳужайралар ўла бошларкан. Миянинг айнан шу қисми ахборотни қабул қилиш ва эслаб қолиш жараёнида муҳим роль ўйнайди. Тадқиқот ўтказилганларнинг 55 нафарида ақлий заифлик аниқланган. Бундайларнинг атиги 9-10 тадан тиши қолган. Интеллект жиҳатидан камчилик сезмайдиган бошқа қарияларнинг эса 14-15 тадан тишлари бор. Тадқиқотчилар тиш билан мия фаолияти ўртасидаги узвий боғлиқликни қуйидагича таҳлил қиладилар: овқат чайналаётган пайти мия ҳужайларининг стимуляцияси юз беради. Инсон бўтқа ёки шунга ўхшаш юмшоқ таомларни мунтазам истеъмол қилишга ўтса тиш атрофидаги нерв ҳужайралари сусаяди ва мия зарур бўлган қувватни ололмайди.

TIBBIYOT

II СОАТЛИК ОПЕРАЦИЯ

ҒАРОЙИБ операциядан тирик чиққан доминиканлик Ребекка Мартинес исмли сиам эгизаги ота-онасининг Санта-Домингодан хабар қилишларича, оламдан кўз юмди.

Америкалик 18 нафар малакали жарроҳ 11 соат давомида қизчанинг тўлиқ шаклланмаган эгизагининг калласини ажратиш устида тер тўкишди. Калла қизча бош миясининг тепасига ёпишган эди. Операция давомида «ортиқча» калла ажратиб олиниб, чанақдаги тешик қиз танасининг бошқа қисмидан олинган суяк имплантанти билан ёпиб қўйилди. Ребекканинг иккинчи калласида деярли тўлиқ шаклланган мия, қулоқ, кўз ва лаблари бор эди. Врачларнинг таъкидлашича, ортиқча калла Ребекка миясининг фаолиятига салбий таъсир кўрсатарди. Операция ўтказилган бўлимнинг бошлиғи Хорхе Лазареффнинг айтишича, Ребекканинг иккинчи калласи биринчисидан тезроқ ўсаётганди. Агар операция қилинмаганда қизча 3 ойлик вақтида калласини кўтара олмасди. Бироқ у операциядан сўнг 12 соат яшади, холос. ИТАР-ТАССнинг хабар қилишича, ўлимга операция вақтида танага тушган инфекция сабаб бўлган.

100 минг долларлик операцияга «Cure International» ташкилоти ҳомийлик қилган. Тиббий маълумотларга қараганда, сиам эгизакларининг дунёга келиши 2,5 миллион кишига битта тўғри келади.

AVTO OLAM

700 ТА ОТ КУЧИ



«PORSHE» автомобилларини қўшимча қулайликлар билан тўлдирувчи «Gembella»тюнинг ателъеси «Cayenne» маркасининг янги кўринишларини ишлаб чиқишни йўлга қўйди. Мазкур марканинг V8 мотори ҳажми 5,2 литрга етказилиб, энди у 440 от кучига тенг бўлди. V8 турбомоторлари эса 530, 600 ва 650 от кучларига тенглаштирилди. Тюнинг ателъесининг энг кучли дастурларидан бири 700 от кучига тенг «Porshe Cayenne»дир. Автоишқибозларга тақдим этилган бу янги модель 4,5 секундда 100 км/соат тезликка чиқади. Максимал тезлиги эса 300 км/соат. Моторни кучайтиришдан ташқари «Gembella Porshe»нинг ташқи кўринишига ҳам бироз ўзгариш киритилди. Тормоз тизими кучайтирилди. 20 дан 22 дюймгача ҳажмдаги ғилдирак дисклари ишлаб чиқилди. 700 от кучига тенг «Porshe Cayenne»нинг нархи ҳозирча эълон қилингани йўқ.

KINO

«ОСКАР» ЭГАЛАРИНИ КУТМОҚДА

ЛОС-АНЖЕЛЕСда бу йилги «Оскар» киномукофоти номинантлари эълон қилинди. Энг кўп мукофотни «Узуклар ҳукмдори» фильмининг учинчи қисми, яъни «Қиролнинг қайтиши» қуйидаги 11 та номинацияда қўлга киритиши мумкин: «Энг яхши режиссёр», «...мослашган сценарий», «...монтаж», «...грим», «...мусиқа», «...қўшиқ», «...либослар», «...визуал эффектлар», «...овоз», «...рассом».

Бундан ташқари йилнинг энг яхши фильми мукофотини қуйидаги фильмлар олиши мумкин: «Таржиманинг қийинчиликлари» (режиссёр—София Коппола), «Дунё ёқасида: денгизлар эгаси» (Питер Уир), «Сирли дарё» (Клинт Иствуд) ва «Фаворит» (Гарри Росс).

Энг яхши режиссёр номига Питер Жексон, Клинт Иствуд, София Коппола, Питер Уир ва Фернандо Мейреллешлар сазовор бўлиши мумкин.

Энг яхши эркак роли учун бериладиган мукофотга қуйидаги фильмларда суратга тушган актёрлар даъвогарлик қилишмоқда: Жонни Депп («Қариб денгизи қароқчилари»), Бен Кингсли («Қум ва тумандан қурилган уй»), Жуд Лоу («Совуқ тоғ»), Билл Мюррей («Таржиманинг қийинчиликлари»), Шон Пенн («Сирли дарё»).

Йилнинг энг яхши актрисаси сифатида Дайан Китон («Қоидали ва қоидасиз севги»), Саманта Мортон («Америкада»), Шарлиз Терон («Монстр»), Наоми Уоттс («21 грамм»), Киша Кастл-Хьюз («Китни миниб») тан олиниши мумкин.

Энг яхши чет эл фильми мукофотига Канаданинг «Варварлар ҳужуми», Швециянинг «Ёвуз», Японияннг «Маъюс самурай», Нидерландиянинг «Эгизаклар» ва Чехиянинг «Зелари» фильмлари сазовор бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Тахминлар қанчалик тўғрилигини вақт кўрсатади.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси жамоаси Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасининг бўлим бошлиғи Ш.Аберқуловга онаси **МУҲАББАТ ая**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Сирдарё вилояти прокуратураси жамоаси Мирзаобод тумани прокурори Д.Холбоевга онаси **МАЛИКА ая**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«HUQUQ» yuridik gazeta

Bosh muharrir: ABDUXOLIQ ABDURAZZOQOV

TA'SISCHILAR: O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi, Toshkent shahar va Toshkent viloyati prokuraturalari, «Qonun himoyasida» jurnali

TAHRIR HAY'ATI: Bahriddin VALIYEV, Dilshod ISLOMOV (Bosh muharrir o'rinbosari), Jahongir SHAROFBOYEV (mas'ul kotib), Lola SHOMURODOVA, Hasan INOYATOV, Muxtor SHODMONOV

Gazetaning ro'yxatdan o'tish tartibi: N 023. Nashr ko'rsatkichi — 231, 232

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariga qaytarilmaydi. Myalliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ»dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

MANZIL: Toshkent shahri, akademik Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66.
TEL.: 133-82-34, 133-64-72.
FAX: 133-64-85.
E-mail: Info@huquq.uz.

Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Gazeta «Sharq» NMK bosmaxonasida ofset usulida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41.

Gazeta haftaning chorshanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 20.00. Topshirildi: 19.30

Buyurtma Г- 0064
23285 nusxada chop etildi

Navbatchi muharrir: H.NISHONOV

Navbatchi: F.MAMASHARIPOV

1 3 4 5 6 7 8